



СУФІЯН
ШОУЕДАР





نحوه ماغнит



ئۇزبېكستان دولت نېمەتى
ئەدبىيات-ئەنۋەرىيەتى
ئاشىخەفت 1958

и(н.7)
с37

Сиңгышан

шоштари

БИБИ

87

БИБИ ГААНГИ

Ин.

13532

9

ЎзССР Давлат бадший адабиёт нашраёти
Тошкент — 1957

Тўпловчи
МУРОД ҲАМРАЕВ

Уйғурчадан
АДҲАМ РАҲМАТ ва УСМОН МАМАТОХУНОВ
таржимаси

На узбекском языке
ПОЭТЫ СИНЬ-ЦЗЯНА

Гослитиздат УзССР—Ташкент—1958

Редактор Ж. Жабборов

Рассом С. Мальт

Рассом-редактор Г. Остапенко

Техн. редактор Я. Пинхасов

Корректор М. Мирпӯлатов

*

Теришга берилди 10/VII 1958 й. Босишга руҳсат этилди 8/IX 1958 й.
формати 70X92^{1/2}, 5,75, босма л. 6,73 шартли босма л. Нашр. л. 5,06.
Индекс ш/а Р06146. Тиражи 10000. УзССР Давлат бадний адабиёт
нашириёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 1—58.

УзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси,
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. 1958.
Баҳоси 4 с. 50 т.

СҮЗ БОШИ

1949 йилги Улуф Хитой революцияси фалаба қилгач, халқ озод ва баҳтиёр ҳаётга әришди. Хитой Коммунистик партияси халқининг баҳт-саодати учун катта ғамхўрлик кўрсатди ва кўрсатмоқда. Коммунистик партия адабиёт ва санъатга алоҳида эътибор бериб, унинг социалистик реализм методи асосида ривожланиши учун катта йўл очиб берди.

Хитой Компартияси майда миллатларга ҳурмат билан қаради; уларга ўз адабиётлари ва маданиятларининг ривожланиши учун имконият яратиб берди. Революциядан сўнг озгина вақт ўтиши биланоқ, майда миллатларнинг ўз тилларида газета, журнал ва бадий китоблар нашр этила бошланди, жумладан уйғур тилида 1951 йилдан бошлаб „Синъцзян адабиёт — санъати“ („Торим“), „Олға“, „Ёш коммунист“, „Синъцзян маорифи“ каби адабий-бадиий, ижтимоий-сийёсий журналлар ва „Синъцзян газети“, „Қашқар газети“, „Синъцзян ёшлари“ каби газеталар нашр этила бошлади.

Мана шу журнал ва газеталар ўз атрофига талантли ёш ёзувчилар ва шоирларин тўплали. Адабиёт соҳасида илмий текширув ишлари ривож топди. Қадимги адабиёт асарларидан 948 қўл ёзма ва 20 миннга яқин халқ эртаклари, қўшиқлар, мақоллар ва бошқа материаллар тўпланди. Классик адабиёт намуналаридан „Муфтоҳул улум“ ва „Дивони лугат-ат-турк“ номли асарлар ҳозирги замон уйғур тилига таржима қилинди. Улуф уйғур шоирларидан Ҳирқатийнинг „Мұҳаббатнома“ ва меҳнатком“, Мулла Шокирнинг „Зафарнома“, Абдураҳим Наз-

зорийнинг „Робиа сайдин“ига ўхшаш кўп достонлар, Залилий ва Навбатийнинг газал, рубоний ва мухаммаслари уйғур журналларида нашр этилди ва этилмоқда.

1957 йил май ойида Урумчи шаҳрида Бутун Синьцзян ёзувчиларининг биринчи съезди чақирилди. Бу съезд катта аҳамиятга эга бўлиб, шу давргача қилингган ишларга якун ясади ва келгуси тараққиёт йўлларини белгилаб берди.

Хозирги замон Синьцзян уйғур адабиёти Маҳмуд Қошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мулла Билол Нозим, Абдураҳим Назорий, Муса Сайромий, Залилий, Мулла Шокир, Сайд Муҳаммад Қоший, Ҳирқатий, Назир Ҳожи ва бошқа кўп классикларининг асарларини танқидий назар билан ўрганиб ва уларга ижодий қараб жасур қадам ва комил ишонч билан ҳаётга кириб бормоқда ва ўз олдига ҳозирги куннинг энг актуаль масалаларини қўймоқда.

Уйғур шоир ва ёзувчилари жаҳон адабиётининг улуг намояндлари бўлган Л. Н. Толстой ва А. С. Пушкин, И. С. Тургенев ва Ж. Лондон, А. М. Горький ва Г. Мопассанларининг ўлмас асарлари билан танишмоқда ва ҳозирги замон хитой ва совет ёзувчиларининг энг яхши асарларини зўр ғайрат билан ўрганмоқдалар. Уларнинг ижодий ишлари туфайли уйғур халқи рус ва жаҳон классикларининг, совет ёзувчиларининг асарларини ўз она тилида ўқимоқда.

Яна шунни ҳам айтиш керакки, уйғур шоир ва ёзувчилари хитой халқининг доҳийси Мао Цзе-дуннинг, агар шоир халқ мұҳаббатига сазовор бўлишни истаса, у „кашта безатиш эмас“, балки „совук қишида кўмири билан таъминлаши керак“ деган гапларига амал қилиб, ўз халқи билан бир сафда олға бормоқдалар. Синьцзян адабиётининг асосчиси Лутфулло Муталлиб 1941 йилда Қашқарга саёҳат қиласан пайтида шундай деб ёзган эди: „Мен мағрур қад кўтарган Тянь-Шанинг нариги томонида бўлдим ва худди янги дунё кўргандай бўлдим. Менинг кўз олдимда мамлакатимизнинг қадимги дунё тарихи саҳифалари очилгандай бўлди. Мен Торим во-дийсида ҳаёт кечираётган бечора уйғур халқимни кўрдим. Мана шу дунё менинг ижодим учун ҳаяжонли ва битмас-туганмас тема бўлиб қолди“.

Бу сўзларнинг айтилганига қарийб 17 йил бўлди. Уйғур халқи шонли Хитой Коммунистлар партияси

раҳбарлиги остида буржуазия ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташлади. Ўзининг улуғ оғаси хитой ҳалқи билан биргаликда янги ҳаёт қура бошлади. Аммо Лутфулло Муталлибининг оташин сўзлари уйғур Синъцзян адабиёти учун шу кунларда ҳам эпиграф бўла олади, чунки бугунги уйғур ёзувчилари ижоди учун ҳам бирдан-бир вазифа оддий меҳнаткаш ҳалқининг иши фикри, мақсад ва ҳоҳишини ўз саҳифаларида акс этдиришдир.

Бу тўпламга отоқли уйғур шоири ва ёзувчиси, революционер Лутфулло Муталлибининг шеърлари билан бир қаторда унинг сафдошлари бўлмиш Билол Азизий Алқам Аҳдам ва бошқаларнинг шеърлари ҳам кири-тилган.

Тўпламининг энг катта қисмини, Хитойда 1949 йилги Улуғ пролетар революцияси ғалабасидан кейин ўз ижодини эркин равишда кенгайтириб юборган шоирларнинг шеърлари ташкил қиласди. Булар орасида Таипжон Илиев, Абдулҳай Рўзи, Турғун Олмос, Аршиндин Тотлиқ, Мұхаммадсийдик Нұврұзов, Турди Сомсоқлар билан бир қаторда ёш талантли шоирлардан, Раҳим Қосимов ва Фанизот Faюроний, Тўлқин ва Султон Мәҳмуд, Аҳмад Эгамберди, Хабибулла Юнус, А. Ниёзий ва бошқаларнинг асарлари киритилди.

Уйғур ҳалқи арабиётида ҳалқ оғзаки ижоди асосий ўринни эгаллайди. Бу жанрининг атоқли вакиллари ҳалқ шоирлари Оюб Сомсоқ ва Юсуфохун, Азим Амир ва Шерванихонларнинг революцияга қадар уйғур ҳалқининг ааб-уқубатда яшаб, ўз душманлари бўлмиш гоминиданчиларга қарши курашини тасвиrlага асарлари ҳам тўпламга киргизилди.

1949 йилги Улуғ Хитой пролетар революциясининг катта ютуқларидан бири — ҳалқ оммасининг энг әзилгани, энг сиқилган қисми бўлган хотин-қизларни озод қилиш бўлди. Ҳозирги кунда уйғур хотин-қизлари эркаклар билан бир қаторда янги ҳаёт қуриш учун олга қараб бормоқдалар. Шунинг учун биз бугунги кунда уйғур хотин-қизлари орасида доктор ва агроном, ўқитувчи ва олимлар билан бир қаторда талантли ёш арабиётчилар, шоиралар ва ёзувчиларни ҳам учратамиз. Булар орасида Қамар Қурбонова, Ҳажар Қодирова, Ҳанифа Солиховалар бор.

Уйғур шоир ва ёзувчилари оддий ҳалқ орасидан чи-

қиб, меҳнаткашлар билан бирга елкама-елка синфсиз жамият қуриш учун курашмоқалар. Шунинг учун ҳам уларниң энг яхши асарлари Ватанга, Коммунистлар партиясиға ва ҳалқ оммасига бағишиланғандир. Энг кек-са уйгур шоирларидан бири Ним Шаҳид.

Қилди ўлкамда зулумни ерга яксон коммунист,
Сувин бошлаб чўлни қилди боби-бўстон коммунист.
Ҳар қаерга борса қилди гул-гулистан коммунист,
Сайраса булбул садоси бўлди достон коммунист,
Ҳамма имкон бўлди тайёр ишчи-дехқон олдида.

деб ёзади.

Уйгур шоирлари асарларининг ажойиб образларида ҳалқлар дўстлиги алоҳида ўрини өгаллади. Уларнинг асарлари айниқса уйгур ҳалқининг хитой ҳалқи билан дўстона ҳаёт кечириши, уйгур ҳалқининг мана шундай ғалабаларга эришиши, хитой ҳалқининг оғаларча ёрдами, ғамхўрлиги орқасида бўлганилини тасвиранади. Лутфулло Муталибишининг „Биз Синъцзян ўғил-қизларин“ Раҳим Қосимовининг „Пекинг салом“, Тўлқиннинг „Хитой ҳалқига“ ва бошига кўп асарларда икки биролар ҳалқларининг тарихий дўстлиги ва она-Ватаннинг ёрқин образлари тасвиранган.

Эй, меҳри уфқдек кенг қадимги муборак ҳалқ,
Сўз ўрнига нур тўқиб сенга шеър ёзгум бор.
Қўзғалганд қалбимда сенинг севги ҳурматини
Шу севги кучи билан нур тоғини қазгим бор.
Ҳар тонгла қучоқлайман дилда муҳаббатинги
Юрагимга шунинг учун севгилимдек яқинсан.
Чунки зулмат кечасида Тянь-Шанни уйғотиб,
Унинг кенг осмонида чаққан ёруғ яшинсан.
Бошлиб уйғур ҳалқини ҳаётининг гулбогига,
Тўлқин ясад бетиним оққан улуғ оқинсан.

дейди ёш шоир Тўлқин.

Шу билан бир қаторда бутун дунёда тинчлик учун кураш темаси ҳам уйғур шоирларининг актуаль темаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бутун дунё меҳнаткаш ҳалқлари каби уйғур ҳалқи ҳам тинчлик тарафдори. У ўзининг катта қурбонлар бериб, ғалаба қозонган баҳтиёр келажагини қуриш ва мустаҳкамлаш учун уруш оловини ёқувчиларга қарши курашади. Шунинг учун уйгур шоирлари орасида ўз асарида бу актуаль маса-

лани ифода этмаган, яиги уруш оловини ёқувчиларга қарши ўзининг ғазабини акс этдирмаган шонри учратиш қийин. Синъязян шонри Мұхаммадсиқ Нўврўзов тинчлик ҳақида:

Хумор эмасмиз биз уруш-жанжалларга,
Уруш, қон тўкишлар кайфимизга тубдан ёт.
Кимки уруш деса, деймиз баҳт учун —
Жаҳон узра тинчлик кучи ёйсин кенг қапот.

деб ёзди.

Тарихда биринчи бўлиб, социалистик мамлакатни вужудга келтирган Советлар Иттифоқи уйғур халқи учун тинчлик ва демократиянинг мустаҳкам гарови, баҳтиёр сркни ҳаёт тимсолидир. Шунинг учун ҳам Синъязян ёзувчиларининг жуда кўп асарлари Совет халқига бағишиланган. Бу асарларниң бири Турди Сомсоқнинг „Дўстлик ташаккури“дир. Бу шеърда автор шундай ёзди:

Совет эли, халқлар сени —
Дейди нажот байроғи.
Сен озодлик, чин дўстликниң
Асло ўчмас чироғи.

Сени севар эркинликни
Чанқаб кутган юраклар,
Тинчликсевар халқларининг сен
Суянган буюк тоғи.

Хитой халқи янги ҳаёт қуришда Совет халқининг бой тажрибаларидан намуналар олиб ўрганмоқда. Шунинг учун ҳам шонр Т. Сомсоқнинг Совет Иттифоқига бағишиланган шеърида шундай мисраларни ўқишимиз мумкин:

Тянь Ань — миннинг минбаридан
Нур сочмоқда ярқираб
Кремль юлдузларининг
Мангу ўчмас нусхаси.
Ана Аньшань қучоғидан
Янграб овоз бермоқда
Янги хитой ишчинининг
Болғасининг уш, саси.
Еримиизда етилмоқда
Кўз ҷақнатиб, ярқираб

Ер юзига донғи кетган
Ўзбекистон пахтаси,
Донбассчилар идрокини
Жо қимлоқда қалбига,
Гуркураган Хайнань, Фушунь
Людованинг шахтаси.

Синъцзян Уйғур шоир ва ёзувчиларининг жуда кўп асарлари социалистик давлатимизнинг асосчиси, улуғ доҳий Ленинга бағишилангандир. Лениннинг ўлмас номи ҳар бир соф виждоғли киши дилида пок сақланади. Чунки улуғ Ленин номи билан башариятнинг келажаги, миллион-миллион меҳнаткаш халқнинг орзу ва истаклари чамбарчас боғлиқдир.

Шарқ халқларининг шоир ва ёзувчилари ўз асарларида Ленин образини яратмоқни бахт деб санайдилар. Биз ёш шоир Тўлқиннинг Ленинга бағишиланган қуидағи шеърини келтиришимиз мумкин:

Мана кўз олдимда Ленин ҳайкали,
У буюк бир тоғдек турар сокин-тинч
Қалбимда жўшганда фикрлар сели,
Яна ёдга олдим, у ўлмайди ҳеч —
Ҳар иисон дилида яшайди Ильич.

Хозирги замон уйғур Синъцзян адабиётининг ривожи топганига ўн йилдан ортиқ бўлмаса ҳам, шу қисқа муддат ичидаги ўзининг ривожланиш йўлида катта ютуқларга эга бўлди. У проза, драматургия, танқид каби жанрларни поэзия ва халқ ижоди билан чамбарчас боғлаб ўзининг ривожланиш доирасини кенгайтирмоқда.

Хозирги кунда Хитой халқи билан биргаликда уйғур халқи ҳам, шонли Коммунистлар партияси раҳбарлигигида — дадил қадамлар билан ёрқин келажак сари олға бормоқда. Уйғур азиблари, ўз асарларида мана шу ёрқин келажакни тасвирлаб, бизнинг шонли давримизга мос келадиган ажойиб асарлар яратмоқдалар.

Мурод Ҳамраев



Лутфулло Муталлиб

БИЗ СИНЬЦЗЯН ЎГИЛ-ҚИЗЛАРИ

Биз Синьцзян ўғил-қизлари,
Биз умид юлдузлари.
Кураш ўтида ўсган
Ботирларнинг ўзлари.
Биз умид юлдузлари,
Келажакни кўзлаймиз ҳамон.

Олий бизнинг тилаклар,
Ишчан, ҳормас билаклар.
Доим олға интилар;
Мавжланиб ёш юраклар.
Олий бизнинг юраклар,
Қуражакмиз озод, ҳур замон.

Янгратиб қўшиқларни,
Парчалаб тўсиқларни.
Бирлик сафда кетамиз,
Кучажакмиз зафарни,
Парчалаб тўсиқларни.
Олдимиизда зўр кураш, майдон.

Текислаб баланд-пастни,
Супуриб хору хасни.

Мамлакатдан қувамиз
Босқинчи, ёвуз наҳсни.
Супуриб хору ҳасни
Бизнинг Хитой бўлур гулистон.

Бизга қадрли меҳнат,
Меҳнатдан келур роҳат,
Қўлимизга келар баҳт
Ҳур меҳнат билан албат,
Меҳнатдан келур роҳат,
Қуражакмиз қувиоқ, ҳур макон.

Курашда чиниқамиз,
Душманларни йиқамиз.
Ватанин озод қилиб,
Бизлар ғолиб чиқамиз.
Душманларни йиқамиз,
Курашда халқ бизларга дармон.

Эркни қўлларга олиб,
Бирлик торини ҷалиб,
Ватан озодлиги-чун
Жангларда бўлдик ғолиб,
Эркни қўлларга олиб.
Қолдирмаймиз юракда ёармон.

Сентябрь, 1938 йил.

ИИЛЛАРГА ЖАВОБ

Вақт шошилтиар, кутиб турмайди,
Йиллар шу вақтнинг энг зўр йўргаси.
Оқсан сувлар, отган тонглар айбдор эмас,
Йўрга йиллар умғининг ёмон ўғриси.

Ўғирлаб қочади, орқага, боқмай,
Бир-бирин қувишиб, югуриб, елиб,
Ёшлик боғида булбуллар қашот қоқмай,
Япроқлар тўқилади, сарғайнб, сўлиб.

Ёшлик одамнинг энг зебо чоги,
Жуда ҳам қисқа унинг умри бироқ —
Йиртилса календарнинг бир вараги,
Ёшлик гулидан тўқилади бир япроқ.

Йилларнинг шамоли эсиб ўтади,
Япроқсиз ёғочлар бўлади беҳол.
Йилнинг еллари келтирас албат
Қизларга ажин-у, эрларга соқол.

Йилларни қарғашдан нима фойда бор,
Майли ўтаверсин ўзининг йўли...
Одамлар вақтни қўлдан бермайди,
Чўлларни бўстон қилган одамнинг қўли.

Йилларнинг қўйни кенг, фурсати ҳам кўп,
Тоғ каби юмушлар қаддин кўтапар.
Қарагин, кечаги чақалоқ Турсун,
Ҳа, бугун чопқиллаб ўйноқлаб юрар.

Курашчан болалар қувиб йилларни,
Кураш мақсадини албат топади.
Кеча бахт учун қурбон бўлганлар,
Қабрини ёдлаб, гуллар ёпади.

Майли, соқол совға қилса ҳам йиллар,
Чиниқиб ўсаман йиллар қўйнида.
Ижодим, шеърларимнинг из-тамғаси бор
Олдимдан қочиб ўтган ҳар йил бўйнида.

Ҳар қачон курашнинг кескин чоғида
Шеърим юлдуз бўлиб, ёнар олдимда.
Курашнинг давонли баланд тўғида
Ғайратнинг енггани доим ёдимда.

О, йиллар сиз менга қаҳ-қаҳлаб кулманг.
Қизариш мен учун уят ва ўлим.
Қаритаман деб овора бўлманг.
Охирги жангларга аталган ўғлим.

Йиллар денгизи тўлқинли, фақат —
Бизнинг шиддатларга беролмайди тоб.
Йилларнинг ўтиши қўрқитолмас ҳеч,
Ижод-ла йилларга берамиз жавоб.

Урумчи, 1944.

ТААССУРОТИМ

Үқиб ашъорларин, завқдан маст бўлиб,
Қалбимга нашъали туйғулар тўлиб,
Кўзим бир нуқтада қотиб қолади,
Вужудим хаёл баҳрига ботиб қолади.
Кўлимдан тушмайди унинг китоби,
Навоий санъатининг нурли офтоби.
Қани у Навоий, мен уни топсам,
Табаррук қўлидан меҳр-ла ўпсам.
Қараб турсам ман „Хамса“ни ёзганда,
Ўткир қалами-ла гавҳар қазганда,
Кўрсайдим Фарҳоднинг расмин чизганин,
Ширинга сўзлардан дурлар тизганин.
Нур ёғар Баҳромнинг қиёфатидан,
Завқландим Гуландом латофатидан.
Кўй шоир, сўзланма, куймагил йўққа,
Навоий кўмилган әмас тупроққа.
Шоирнинг юраги сиғмас қабрга,
Ҳар қачон у яшар биз билан бирга.
У сўнгсиз ижоднинг буюк дарёси,
Ҳар оташ мисрада янграр овози.

1943 йил, Оқсув шаҳри.

ҚИЗИЛ ГУЛГА БУРКАНГУНЧА ЕР-ЖАҲОН

Биз курашнинг тўғонига озодлик деб от солдик,
Шунинг учун ҳурриятнинг ўйноқ созини чалдик.
Бу соз халқа илҳом берди, ҳамма бирдек қўзғалдик,
Кечагина бизнинг Хитой „афюнкаш“ — деб ном олган —
Бир ўлкайди, неча йиллар фафлат уйқуга толган.

Бугун бўлса шу доғларни бир-бир ювиб, тозалаб,
Шум ўтмишга тупурамиз, келажакка бел боғлаб,
Сотқин, хоин гоминданнинг чиркин кўксини доғлаб,
Мазлум халқни шод этамиз, ғамгии вақтини чоғлаб,
Мудҳиш йиллар кўлашкаси йўлни миздан йўқолган.

Озодликка интилади бизнинг ўтли юраклар,
Қонл қураш майдонида толмас пўлат билаклар,
Олдимиизда машъал бўлиб ёнар олий тилаклар,
Очилажак боғимиизда кунни қутлаб чечаклар
Чунк ҳалқим самурайнинг бўғзидан тутиб солган.

Аммо кураш бўлганмиди бе талафот, бе қурбон,
Озодликка эришгунча ҳалок бўлур минглаб жон,
Бироқ, майли тўқилса-да, дарё-дарё қизил қон,
Курашамиз қизил гулга буркангунча ер-жаҳон
Миллионлар юрагини шу орзу қамраб олган.

Август, 1939 йил, Урумчи.

ФАРЁД

Бу менинг ғамли кўнглим бўлармикин бир кун шод,
Ғам тоғларидан ўтиб, бўларманми ҳур — озод?
Ё ҳамиша қийналиб, зулм ўтида куйиб,
Куннинг ёруғин кўрмай, бўлурмайми мен барбод?
Бемаҳал ҳазон бўлган, тақир ҷўлга айланган,
Кўнгилдаги бу бўстон бўлурми яна обод?
Бўронларда учмоқда менинг қилган меҳнатим,
Даврда инобат йўқ, кун-тун қиласан фарёд.

1943 йил, Оқсув шаҳри.





Билол Азизий

МУРОД БУЛГАНДА...

Гулим, хушхол ўйнаймиз Ватан озод бўлганда,
Кўл тутишиб яшаймиз, Ватан обод бўлганда.
Бизлар кутган нурли тонг, бўлажакдир муссар.
Ваҳший, қонхўр душманлар албат барбод бўлганда.
Ҳасрат-алам, қайғулар дилни қоплаб туролмас,
Биз мақсадга эришиб, дилда мурод бўлганда.
Ватан учун фидокор ватанпарвар бўламиз,
Ватан сенга Ширин-у, менга Фарҳод бўлганда
Муҳаббатдан руҳланиб, гулим олға босайлик,
Қилич, найза кор қилмас, қўкрак пўлод бўлганда.
Йиғи, ҳасратлар билан мақсадимиз ҳал бўлмас,
Кеча-кундуз ишимиз оҳу фарёд бўлганда.
Гулим, ҳарғиз ғам қилма, ботирликка амал қил,
Ҳар ишни қилиш мумкин, чин эътиқод бўлганда.
Киши юрмай туролмас, туриб тоқат қиломас,
Доним илож излайди дигда мурод бўлганда.

1953 йил.





Тайшпхсон Илиев

КУТ МЕНИ

Эй, мешинг жонона ёрим, кут мени,
Гўзалим, кўзи хуморим, кут мени.
Йўлларимга интизорим, кут мени.
Сенга етмакдир қарорим, кут мени.

Осмонингда ўйнаса ҳам шум булат,
Солса даҳшат боғларингга ҳар минут,
Атрофингда ёнса ҳам даҳшатли ўт,
Қўрқмагил ҳаргиз, иигорим, кут мени.

Чин юракдан чиқди ушбу ёзганим,
Йўқ менинг ҳаргиз йўлимдан озганим,
Ёдда тут Фарҳод бўлиб тоғ қазганим,
Қалбга қувват, зўр мадорим, кут мени.

Ҳеч ишонма ҳийлагар макр айласа,
Ёсуман жоду бўлиб, йўл пойласа,
Ошифинг йўқ энди дебвой-войласа,
Ёдда тут, эй ифтихорим, кут мени.

Хомхаёл, пучдир уларнинг бошлари,
Етмагай бу жангда ҳеч бардошлари,
Лой бўлар тупроқ аро кўз ёшлири,
Ботирига интизорим, кут мени.

Мен тарафга бир қара, чўлпонни кўр,
Тонг ёришса шарқдаги осмонни кўр:
Шум рақиблар ваҳмидан афғонни кўр;
Кўп узоқ эрмас борарим, кут мени.

1948 йил.

ИИГИТ ОРЗУСИ

„Севдим“ деган бир сўзни,
Сенга тенгдош қиз деса.
Эслаганда сен уни,
У ҳам сени изласа.

Сен у ёқда, у бу ёқда,
Ойлар ўтса, йил ўтса.
Билинмайди йироқлик ҳам,
Сен соғинсанг, у кутса.

1956 йил, апрель.



ҚҮМИР ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

I

Ҳамма ёғинг қанча қора бўлса ҳам,
Бир илиқлик ялтирайди афtingдан.
Қора жисминг топишганда ўт билан
Шодланаман, ҳузурланиб тапtingдан.

Шу ондаёқ келиб қолди ёдимга:
„Ранги қора, меҳри иссиқ“ деган гап.
Бироқ сенинг меҳрингдан ҳам ёлқинлик —
Шахтёр учун юракдаги муҳаббат.

II

„Қишининг гули — ўт“ деганди боболар,
Айт-чи, қайси гул ичида асл гул?
Тўғри бўлса, ўтни гулга ўхшатиш,—
Мен дер эдим: — қўмир ўти — қизил гул!

Декабрь, 1956 йил.





Алқам Аҳдам.

КОМПАРТИЯГА

Оғир бир тоғдай
Бағрини қўйиб,
Зулмат йиллари
Бермасди ором.

Туман ва булат,
Қоплаб осмонни,
Кун кўринимасди
Шум бўлиб оқшом.

Тундек кўнгилсиз,
Кундалик ҳаёт,
Аlam дилларда,
Азоб эди иш.

Гўё мангуга
Асири олгандай,
Кетмасди нари
Устимииздан қиши.

Етим боладай
Қисиб бўйинни,
Тянь-шань гамда,
Тўкар эди ёш.

Дардда қолгандай,
Оҳ урарди, оҳ,
Боғлар хазонда —
Баргсиз, яланғоч.

Назар солсак биз,
Қоропғу ҳар ёқ.
Ғурбат босгандай,
Түюлар жаҳон.
Қор, муз құчоқлаб
Ётган водийда
Гүёки селдек
Оқар эди қон.

Лардга дармон йўқ,
Нола билан биз,
Юрдик тентираб
Мудҳиш кечада.
Хонлар ҳукмрон,
Кайфу сафода,
Биз бўлсак ғамгин,
Ҳасрат ичида,

Тутқундай ётиб,
Қаинча асрлар,
Ўтди умримиз
Бўлиб хор-зор.
Йиглаб ёш тўкиб,
Фарёд қилишиб,
Ҳаётга шундай
Бўлдик интизор.

Ўтди кўп йиллар,
Шундай қайғуда,
Шундай азобда
Бизниңг бу бошдан.

Аммо топмадик,
Хам тополмадик,
Хеч бир нурли йўл,
Ётиб қарғашдан.

Ғазаб дилларда
Қайнаб ловадай,
Тушдик майдонга
Жонлардан кечиб:
Кураш-ла фақат,
Келар саодат,
Дедик, отландик,
Йўлларни очиб.

Юрдик қўзғалиб,
Зўр тўлқин билан,
Мангу йиқишига
Зулмат тахтини.
Шу йўл билан биз,
Енгиги душманни
Оламиз дедик,
Элнинг баҳтини.

Шундай қўзғалиш
Ва кураш билан —
Куч, файрат топдик
Дўстларни кўриб.
Тушиб майдонга
Ғалаба қилдик.
Зулмат тахтини
Йиқитдик уриб.

Янъянъ қўриниб,
Йўлимизда нур
Берди зўр баҳтдан
Кўнгилга дарак.

Шу дам севиниб,
Халқ берди қўлин,
Гўё ўзига
Топгандай тирак.

Цин Тян-чу билан
Мао Цзэ-мин шу чоғ
Келди ўлкамга,
Кўнгил тўқ дедик.
Энди йўл топдик,
Юриш қиласиз,
Коммунистлар бор,
Кўрқиш йўқ дедик.

Шу чоғ туюлди,
Кетгандек нари
Сурилиб бизнинг
Устимиздан тун.

Диллар ҳам шу дам,
Очилди бир оз,
Орзусига халқ —
Етгандай бутун.

Бизлар кўз очдик,
Энди юрамиз,
Порлоқ истиқбол,
Топдик ёруғ йўл.
Бизни бошлиди
Компартиямиз
Бизга чин дўстлар
Узатишди қўл.

Орзулар билан
Юрдик илгари,
Коммунистлар-ла
Доним бир бўлиб.

Ҳали мамлакат
Озод бўлмаган,
Мазлумлар йиғлар
Сочини юлиб.

Умид ва армон
Қалбларда қайнаб,
Йўл солдик, замон —
Бўлди бошқача.

Қора булутлар
Босгандай бўлиб,
Еру-осмонни.
Давон ошгунча.
Кундуз тун бўлиб,
Босди қоронғу.
Осмонда қуёш —
Нури ўчгандай.

Махфий иш тутди
Компартиямиз,
Баъзан чақнади
Юлдуз кўчгандай.

Бой бойга боқди,
Сув сойга яна;
Қон тўккан йўқсили,
Колди далада.

Азоб қўйнига
Олинди ҳаёт,
Жонлар қақшади,
Минг бир балода.

Ҳар ёқда сургун,
Бечора фақир
Сарсончиликда
Айланди боши.

Нола-зор қилди
Йўқсул чидолмай,
Юрди тентираб
Кўчаларда оч.

Бир кун ота йўқ,
Бир кун қариндош —
Тутқун қилинди,
Тўлди зах зиндан.
Жоди остида
Қирқилгандা бош,
Яна дарёдек
Тўлиб оқди қон.

Она кўчада
Зор-зор йинглайди
Азиз боланинг
Дардини айтиб.
Она қон ютиб
Фарёд-ла қақшар,
Хаёт қайда, деб
Хушидан кетиб.

Шу чоғ изладик
Коммунистларни,
Нажоткоримиз
Чин дўстларни биз.
Бироқ йўқ эди,
Цин Тян-чу ва Мао.
Курбон бўлганлар,
Колган қонли из.

Бир ёнда қайгу,
Бир ёнда ҳасрат.
Ўлим ва ваҳшат
Бўлди мусибат.

Қайси бирини
Айтиб тугатай,
Усти-устнига
Келди шундай дард.

Дардга аlamга
Чидарми юрак —
Дея қўзғалдик,
Отланиб яна.
Кураш йўлига
Бизни бошладинг
Бошимиз силаб
Бўлдинг бошпана.

Қалбда армонлар
Қайнаб тошганда,
Бир қуёш бўлиб,
Келдинг Гунсандонг.
Йиқиб зулматни,
Нур сочдинг ўзинг.
Фам туни кетди,
Бизга отди тонг.

Шу чоғ ҳалқимиз
Бошин кўтарди.
Ростланиб олдик
Биз ишчи-деҳқон.
Замон йўқсилга,
Дедик шодланиб,
Қониб юраклар,
Ором олди жон.

Шу дам Тянь-шан
Баҳордай яшнаб,
Кулиб дилида
Сенга солди кўз.

Ўлқам устида
Ҳилпирап байроқ
Элга яратдинг
Мангулик кундуз.

Кулиб кўнглимиш,
Кўтарилди рух,
Кўкларга етди
Бизнинг бошимиз.

Сен мураббийсан
Муродга етдик.
Абадий порлар
Бахт қуёшимиз.

Яша, Гунсандонг
Деймиз юракдан,
Топганмиз сен-ла,
Бахту саодат.

Ёт синфга биз
Кураш очамиш,
Меҳнаткаш синфи
Сен билан албат.

Ўзинг халоскор,
Бош паноҳимиз
Отадай мушфик,
Она — меҳрибон.
Ўзинг йўл бошла,
Халқимиз борар
Доим илгари
Коммуна томон.

1951 йил, Апрель.

ДЕНГИЗ БҮЙИДА БИР ҚЕЧА

(Шеърдан парча)

Борардим жимжит денгизни бўйлаб,
Аммо мазгилим ниҳоят йироқ.
Осмонда булат, ойнинг нури суст,
Хатто кўринмас биронта чироқ.

Денгиз бўйида кўнгилли юрмоқ,
Узоқ-узоққа қарапдим доим.
Майин шамолдан қалтираб япроқ
Чапак чаларди, қутлаб мулойим.

Денгиз бўлса жим, отмасди тўлқин,
Кўм-кўк осмондек ётар ястаниб.
Борардим ҳамон, қирғоқлар сокни,
Йўлим қаёқда, бўлмасди таниб.

Соҳил бўйида ўлтириб бир дам,
Денгиз сувида ювдим юзимни.
Шарқдан қизил нур чиқиши билан,
Қафасдан чиққан сездим ўзимни.

1957 йил.

ТОНГ

Тонг деб телмуриб,
Хаёллар суриб,
Жонлар итилиб,
Кутган чоғ келди.

Осмон юзидан
Булутлар кетиб,
Тун қоронғиси —
Үтган чоғ келди.

Шу чоқ күз очиб,
Илҳомлар олдим,
Тонгнинг журидан
Сўзларни тизиб.

Дастлабки куйим,
Октябрь дедим.
Шодланганимдан
Шеъримни ёзиб.

1950 йил, октябрь.

ТОНГ ОТДИ

I

Тонг отди, дўстим,
Тонг отди қара!
Тебранди ҳаёт,
Силкиниди жаҳон.

Назар солдим мен
Атрофда ҳузур.
Тунга хотима
Берилди бугун.

Хитой устида
Порлар ўчмас нур,
Олқиши ичида
Кўнгиллар бутун.

Тонг отди, дўстим,
Тонг отди, қара!
Шовқин ичида
Жонланди ҳаёт.

Заводлар, конлар,
Шаҳар, қишлоқлар.
Тонг нури билан
Бўлмоқда обод.

О дамлар қайшаб,
Күчалар түлди,
Жаҳон устида
Тўлқинли овоз.

Бу тонг хурсандлик,
Жонларга ором.
Шунинг-чун завқ-ла
Жаранглайди соз.

Шундай хурсандлик,
Сурур ичида
Нурга бурканган
Муқаддас Пекин.

Назар солдим мен,
Кўрар кўзи-ла —
Куннинг келишин,
Тун кетар секин.

Пекин шаънига
Раҳматлар ёғди,
Унинг бағрида
Миллионлаган жон.

Тонгни яратди
Гунсандонг қуёш,
Хукуқин олди
Ишчи ва деҳқон.

Доҳий Мао Цзе-дун
Чикди инбарга,
Хитой қўзғалди
Эшит, эй инсон!

„Мамлакат озод“
Деди Маожуши,
„Тонг отди“ дедим
Топгач меш нишон.

II

Тонгнинг ҳусиндан
Тўкилгаңда нур,
Осмон юзидан
Сурнлди булут.

Тоғлар, адирлар,
Қирлар, саҳролар,
Кенг нафас олиб,
Хуш бўлди бу юрт.

Океан чайқалиб,
Тўлқинланди сув,
Мавжлар келиб,
Қирғозқа урди.

Отган шу тонгдан,
Кулиб табнат.
Нур билан шу дам,
Юзини ювди,

Дард билан ғамда,
Мунгланган тоғлар,
Кўз тикиб тонгга
Аста керилди.

Қор, муз қопланган,
Бу зимишонлик
Эриди яна
Четга сурнлди.

Кўллар, дарёлар,
Бекор оқмасдан
Ҳаёт йўлига
Солди янги из.

Кулиб, хуш бўлиб,
Тўлиб тошгандай,
Тўлқинлангандай
Азамат денгиз.

Чанқаган чўллар,
Сув ичиб қониб,
Чаманзорлардай
Ўралди гулга.

Сойлар, жилғалар
Оромбахш бўлиб,
Битмас завқ берди,
Илҳом кўнгилга.

Гулзор боғларда
Қушлар эрк топди,
Булбуллар тиімай
Очилди сайраб.

Қандай масаррат,
Дўстим сен қара!

Шодликка тўлди
Кўнгиллар яйраб.

III

Эшит, диққат қил.
Бахтиёр элим!
Бу тонгда яшиар
Коммуна гули.

Уриб зулмни,
Ёритиб тунни,
Бахтини берган
Коммуна йўли.

Мен ёздим, тиздим
Шеъримни бугуни,
Кулиб дилимда,
Сўзлаб бирма бир.

Отганда шу тонг,
Мен ҳам тугилдим,
Шу куннинг ўзи —
Улуг Октябрь.

1950 йил. Октябрь.





Турғун Олмос

ПАРТИЯГА САЛОМ

Қабул қил, партиям, бу саломимни.
Халқимнинг қалбидан йўлладим сенга.
Сенга атай олқиши ва каломимни
Чунки ёлқин меҳринг туташшан менга.

* * *

Элу юрт, тогу тош, ҳамма томонни,
Даҳшатли булутнинг ваҳни босгандада;
Қафасга солинган шердек ҳайқириб,
Халқимнинг ғазаби қайнаб тошганда;

Минг бало — кулфатда, мاشаққат чекиб,
Мардона қадамлар ташлаб ўтардинг,
Қонларга бўялиб, жонингни тикиб,
Озодлик байроғин баланд кўтардинг.

Миллионлар бошидан ғаму аламни
Абадий қайтмасга бутун кетказдинг.
Фақат ёлғиз ўзинг, улуғ партиям,
Халқларга озодлик тонгин етказдинг.

* * *

Кўз очдинг янгидан кулиб жаҳонга,
Сен берган ҳурликдан хурсанд дилимиз.

Эришиб бахтиёр янги замонга,
Сенга минг ташаккур айтар элимиз.

Янги ҳаёт учун, тўйлар бошладик.
Октябрь тонгидай, гулдек очилиб,
Маърифат йўлига қадам ташладик,
Йўлимиизда ётар нурлар сочилиб.

1955 йил, сентябрь.

ҚАШҚАР

I

Түғилдим-у күрдим: ҳамма ёқ вайрон,
Ўшқиради зулмнинг даҳшат тўфони.
Бирорлар роҳатда, миллионлар сарсон,
Эрк деган маҳкуму, оқарди қони.

Деҳқон, ғариблар йиғлаб, тентираб,
Золимлар олдида эгарди бошин.
Тошиборак малъуллар писанд қилмасди,
Қашшоқлар ноласин, оқкан кўз ёшин.

Қашқар, ўтмишингни ўқиб тарихдан,
Билдим мен Маҳмудга бўлгансан бешик.
Боболарнинг кўзи ёш ила қонда —
Юрганлар эрк истаб әшикма-әшик.

II

Сув кечнб, чўл босиб, қор-музлар ошиб,
Озодлик қўшини келди ўлкага.
Чиқдик биз олдига қуchoқлар очиб,
Етишди халқимиз охир ҳурлика.

Кўп аср йиғлаган нурсиз кўзимиз,
Юлдуздек чақнади, уфқ сузилди.

Қон кирди томирга, гулдек юзимиз,
Қулликнинг занжири шартта узилди.

Мана ҳур, озодсан, яшиай бер Қашқар,
Бошингда ҳилпирар қип-қизил байроқ.
Наъшали баҳоринг, ёқимли саҳар,
Тунларинг ёп-ёруғ, қуёшинингга боқ.

1957 йил, март.

ВАТАН

Сен мушфинқ, меҳрибон онамиз Ватан!
Қасамёд қиласиз олдингда бугун.
Сени забт этолмас душман дафъатан,
Курашдан қайтмаймиз, юраклар бутун.

Бас, етар, зулмга бизда йўқ тоқат,
Жаҳолат занжирин узиб ташлаймчз.
Ёвуздар Ватанини қилдилар форат,
Урушга қарши биз уруш бошлаймиз.

Озодлик, ҳуррият, инсоний ҳуқуқ —
Ишқида олдик биз қўлларга қурол.
Босқинчи душманга энди омон йўқ,
Ватандош дўстларим, курашга қўзғал.

Тўкилган соғ қоннинг нур-шуъласидан,
Чароғон бўлажак кураш йўллари.
Озодлик баҳорин шўх нафасидан,
Очилир Ватанда баҳтвинг гуллари.

Курашлар тугамас, этажак давом,
Халқ кутган тилакка етмадик ҳали.
Номуссиз хонилар, босқинчиларнинг —
Бу сафар гўр ичра кирмаклик гали.

Машаққат ва оғир кураш йўлида,
Советлар ўлкаси бизга мададкор.
Келажак, саодат халқнинг қўлида,
Фашизм ўлажак, ўлажак зинҳор.

1942 йил. июль.

УМИДЛИ ҲАЁЛ

Қолдим қайғуда, қоронғи тунда,
Тонгнинг шарпаси умидим эди.
Эркин юрмадим — кулфат, тутқунда,
Зебо ёшлигим бўғилган эди.

Юрдим зор йиглаб, боғим ҳазондир,
Шамоллар эсди.. тонглар отмади.
Зорим кўпайди, рангим сомондир,
Сирдош юлдузим асло ботмади.

Озодлик истаб, зинданда ётдим,
Сочим оқарди,— ҳижрон тухфаси,
Мақсадим учун жонимни отдим,
Эшитилса ҳам ажал шарпаси.

Кўл йиллар ётиб, дўзахдан чиқдим,
Озод овозим янгради ҳар ён.
Кескин курашга юрдим, чиниқдим,
Руҳим шодланди, завқланиб чунон,

Кураш белбоғин боғладим белга..
Ёвлар мақсадга энди етолмас.
Истадим эркни, ишондим элга,
Шумлар қутулиб, омон кетолмас.

Умидли хаёл йўлдошим менинг,
Биз кутган тонгнинг ёрги чексиз.
Халқим тилакдош орзунгга сенинг;
Топарсан меҳнат, баҳтнингни шаксиз.

Қашқар.
1946 йил. Август.





Абдулҳаи Рӯзи

БИЗГА

Очиб боқсам тарихни,
Янгради хитоб бизга.
Шунинг учун бу тарих,
Қимматли китоб бизга.

Шонли саҳифалари
Бизга ўгит китоби.
Шу тарихдан туғилар,
Озодликнинг офтоби.

Унинг ҳар бир сатрида,
Минг йилларнинг кўзи бор.
Курашларга чорловчи
Маркс-Ленин сўзи бор.

Халқим энди ҳеч қўрқмас,
Узоқларга тик боқар.
Ғайратимиз юракда
Дарёдек тошиб оқар.

Гулжса, апрель, 1942 йил.





M. Новрӯзов

ҚУЁШ ВА БИЗ

Куёш ўтар ҳар куни ғарбга,
Босар ҳамон кўҳна йўлида.
Ўзи билмас неча асрлар,
Нурин сочар ўнггу сўлига.

Куёш енгар қоп-қора тунни,
У чиққанда ёрир кечалар.
Кулиб қарши олар коинот,
Хурсанд бўлиб қанча-қанчалар.

Куёш нури қоллар ер юзин,
Табнатга бағишлар ҳаёт.
Кўкда қушлар қаршилаб уни,
Кўшиқ айтиб, ёзади қанот.

Бироқ кекса қуёшдан кучли,
Юрагимиз тўрида ёлқин —
Ловиллайди, ҳаттоки қуёш —
Хузурида туюлар салқин.

Куёш борар кўҳна йўлидан,
Тонгда чиқиб, кечда ботади.
Бизнинг қалбда дўстликнинг меҳри
Яшнаб, доим чечак отади.

Кўчор. 1956 йил, апрель.

К У Р И Н Д И

Боққа кирсам тонг^т билан, сарви равон кўринди,
Кўзларимга нур бериб дилбари жон кўринди,
Балки жилва ноз ила моҳи тобон кўринди,
Хуш табассум^т айлабон, ёру-жонон кўринди,
Бўлди кўнглим ишқида ҳеч мислсиз шунга банд,
Ўхشاши йўқ оламда ўқи мужгон кўринди.

Ажун аро ахтариб бу қаби^т бир санамни,
Учратолмас әдим мен, кўриб жабру-ситамни,
Кимга айтай бу сифат қошлари бир қаламни,
Қилди бугун васли-ла зўр илтифот, карамни,
Бўлди кўнглим ишқида ҳеч мислсиз шунга банд,
Оламда ҳеч тенги йўқ, кўзи чўлпон кўринди.

Кўзлари шавқи билан уйқу тунларда ҳаром,
Хасталандим ишқида, яхшилансан дил-ярам,
Бир кўришда берсалар севгидан ширин салом,
Мен эмас ёлғиз^т ошиқ, сўзлагай барча қалом,
Бўлди кўнглим ишқида ҳеч мислсиз шунга банд,
Киприклари худди ўқ, қоши камон кўринди.

Кўрса ҳам кўрмагандир, мендек кўриб ҳеч киши,
Энди кўрса гўзални, куяр бағри, ич-тоши,

Тенги йўқ ёрин кўриб, фалакка етар боши,
Ҳар ким муродга етса, ҳаргиз тўкилмас ёши,
Бўлди кўнглим ишқида ҳеч мислсиз шунга банд,
Мурдадек таним аро гўёки жон кўринди.

Қуйса Қашқар шаробин, томчи қолдирмай ютай.
Ёки даста гул каби қўлимда маҳкам тутай,
Йўлга унса тиканлар, тилларим билан ўттай,
Йўлларига поёндоз жонимни солиб кутай,
Бўлди кўнглим ишқида ҳеч мислсиз шунга банд,
Субҳидам жонон келиб, менга дармон кўринди.

1944 йил, декабрь.
Гулжоша шахри,

БАХОР

Қиши бобо қаёққадир
Астагина йўлин солди.
Ёз йигит мўйлов бураб,
Кулибгина ўрин олди.

Табиат рангба-ранг—
Тўнлар кийиб, созлар чалди.
Булбуллар қанот қоқиб,
Кузгуналар дардда қолди.

Қанча тоғ, кенг яйловлар
Қўйинин очиб, кулиб боқди.
Дарёлар тўлқин уриб,
Шарқираб тўлиб оқди.

Кенг боғлар, чаманзорлар,
Ясаниб, ҳидин сочди.
Совуқ ҳаво қора булат,
Думин судраб аста қочди.

Ёш йигит, қиз-жуонлар,
Енг шимариб тушди ишга.
Уйғонган ер ҳам бугун,
Ўхшамас асло қишига.

1947 йил, маън.

КУРАШ СЕВГИСИ

Тонг порлаб,

шуъласини

ер юзига

Аямай сочади.

Кураш истиқболи

Мазлумлар олдида

Озодлик эшигини

Кенг очади.

Замоннинг қутлуғ кураш чехраси

Бизга қараб,

кулиб боқди.

Кураш тўлқинида

Миллионлаган халқ

Манзилни кўзлаб,

дарёдай оқди.

Шунда йўлимнзда

бўронли тўлқинлар,

ўтли тўлқинлар,

ўтли тўфонлар

бизнинг кемага

ўзин уражак.

Истиқбол тонгида,

душманлар қутирган ит каби

оғиздан кўпиклар сочиб,

Жон талвасасида ҳуражак.
Шу тўлқинли,
шу бўронли
азим денгида,
Кемани тўхтатмай
олга кетдик.
Оғир қийинчиликларни енгид,
нажот қирғоқларига
буғун етдик.
Шунинг-чун севаман
қутлур
нажот курашин.
Созимни чаламан
дилим қонгунча.
Ёшлигим — баҳорим
устида қуёш кулиб,
Хуррият машъали
порлаб ёнгунча

1945 йил, апрель.





Ним Шаҳид

У Н У Т М А

Дўстим, ўн йил бурунги
Кунларингни унутма.
Тонг отгунча йиғлаган
Тунларингни унутма.
Мустабидлар олдида,
Итдан бадтар хор эдинг.
Ҳақсиз ишлаш ерида
Кеча-кундуз бор эдинг.
Кунлар бўйи оч юриб,
Парча нонга зор эдинг.
Қайноқ сув ҳам кўрмаган,
Чоғларингни унутма!
Ўқиш ёши вақтида,
Қимор сари отилган.
Ютқизганин тўлолмай.
От-сигирдай сотилган,
Эсингдадир биродар,
Тутқунликда турганинг.
Тинмай йиғлаб, оҳ уриб,
Соч-соқолинг юлганинг
Кечиб бундай ҳаётдан,
Тирик гўрда бўлганинг.
Қўлиниг ортга боғлаинган
Доғларингни унутма!

У кунларда дердилар:
„Олбон деган олганга“
Етишмасди товуғинг
Бир тухумлик олбонга.
Раҳм-шафқат қилмасди,
Оч-ялонғоч қолганга.
Дармони йүқ дардларга,
Ботганингни унутма!
Қора кунлар юракни,
Зардоб қилиб оқизган,
Тақсирлар ва жаноблар,
Қамчидан қон томизган.
Үдағайлаб туршишган,
Заҳар солғап чининдай,
Шунинг учун чиройлар —
Бўлиб қолган сомондай.
Бир оз фурсат топилса,
Ётиб олиш ҳаёндай,
Соф танингни касал деб,
Ётганингни унутма!
Фам юклари остида,
Бўлганди белинг эгик
Тайёр эди ростлансанг,
Икки пойга бир этик.
Хавф остида дарз кетган,
Юракларинг такка-пук,
Камалакдек букилиб,
Юрганингни унутма!
Ер оғзини очарди,
Боқсанг сени ютишга,
Кўкка боқсанг осмон ҳам,
Тушган сени босишга.
Атрофингда жаллодлар,
Тайёр сени осишга,

Даҳшатли ҳавф остида,
Қолганингни унутмай
Бўған зул атрофни,
Қимирилашга мажол йўқ.
Аждаҳонинг оғзидан,
Кутулишга амал йўқ.
Қанот қўйруқ юлинган,
Вақти етса хаял йўқ.
Тақдирингни шундай деб,
Турганингни унутмай
Иссиқ қонни совутиб,
Жон бўғизга етгунча.
Оёқ-қўллар боғланиб,
Тиф суюкка теккунча,
„Озодлик“ деб қўзғалган
Зўр тўлқинни унутмай
Жаллодларни йиқитиб,
Ўз қонига белаган,
Келиб сени қўлтиқлаб,
Икки қўллаб йўллаған
Кўз ёшингни тозалаб,
Чанг-тўзонни супурган,
Тилакларни ҳал қилган
Дўстларингни унутмай
Қиши, ёз демай боғингда,
Бирдек очилса гуллар,
Урфон сувида сероб
Гар бўлса қиз-ўғиллар,
Текислансалар қийшиқ —
Чуқур-у баланд йўллар.
Мағрурланиб бу йўлда,
Юришингни унутмай
Ўн йил ичида ўлкам,
Ўсиш тарафга ўтди

Акс тараққийчилар
Қайтмас тарафга кетди.
Зўр курашда халқимиз
Душманни яхсон ётди,
Бу курсандлик ғелингда
Бўлган кунни унутма!
Озодлик учун кураш
Етти йилга чўзилди.
Босқинчилар нўхтаси
Охир чириб узилди.
Тенг ҳуқуқсиз шартнома,
Бекор бўлди, бузилди.—
Тенг ҳуқуқни олажак,—
Кунларингни унутма!
Яқин қолди душманинг
Гўр ичига киражак.
Болаларинг боғларда
Яйраб, гуллар теражак.
Сенинг кураш, меҳнатинг
Мевасини беражак,
Шонли зафар сенададир,
Яқин қолди, унутма!

1944 йил, январь,
Оқсан,

МУХАММАС

Васлидан ўзга керакмас менга жонон олдида,
Орзуим бир сен эрурсан тан била жон олдида,
Бир гули раъно эрурсан боғу бўстон олдида,
То зиёрат этмасам мен сени имкон олдида,
Юзларим шарманда бўлсин тонг-ла субҳон олдида.

Дунёга тенг айламайман тоғларингнинг тошини,
Сени деб тошга қўшарман душманингниг бошини,
Сен учун дарё қилурман шум рақиблар ёшини,
Мумкин ўлғайму кўришга янги ойдек қошини,
Шунда бахтим очиларди барча иносон олдида.

Сен әдинг дунёда бир тенгсиз гўзал, нозик бадан,
Иккимида боғланиш гўёки әрди жону тан,
Оҳ... гўзал ёр ўйнаган Қашқар, Кучор, Ёрканд, Хўтари,
Не ситам кўрди экан ифлос оёқда пок Ватан?
Тўхтамасмиз сен учун ҳар қанча қурбон олдида.

Дилбарим, оҳу қўзим, хуршид юз, ширин сўзим,
Ҳусни афлокингда туққан әрди толе юлдузим,
Лабларингга рашқ қиласиди боғда ўсган ол узум
Қошлиринг меҳроб қилиб, сажда қилай танҳо ўзим,
Сидқидилдан севганим сен тоза виждан олдида.

Водарниғо, қайси кундир шум рақиб босди оёқ,
Сен каби ҳур нозанинлар устига солди таёқ,
Мен қучоғингда туриб тортдим ажаб дарди фироқ,
Неъматинг лаззатларидан айрилиб қолдим йироқ,
Бир тиланчикдек қисилиб кузда хирмон олдида.

Йиғладим шундан буён тун кечалар бедор бўлиб,
Раҳмсиз ўгайга қолган қиз етимдек хор бўлиб,
Ҳавзи қавсарни кечибон томчи сувга зор бўлиб,
Торлашиб кетган-жаҳонга сиғмайин бемор бўлиб,
Бўйни боғланган мушукдек сонгда сичқон олдида.

Шундай умрим ўтган эрди ўртаниб ҳам қул бўлиб,
'От, эшаклар ўрнида душманларингга қул бўлиб,
Оллоҳ амри шуминкин деб, сотса балки пул бўлиб,
Ўтган умрим эсласам ёшим тўкилур кўл бўлиб,
Мулланинг имони бўлдим худди шайтои олдида.

'Оқибат қувғинди бўлдим бир йўли тортдим фироқ,
Шум рақибнинг толеи ўнг келди, мен бўлдим йироқ,
Жонга тўйган худди бир парвонаман, сен бир чироқ,
Кунба-кун ортди кўнгилда сенга бўлган иштиёқ,
Томчи сувга зор бўлдим баҳри уммон олдида.

Торт қўлингни, ваҳший душман, ҳали жоним танда бор,
Зўр ишончим, тез яқинда сени қилгум тор-мор.
Эй палид тезроқ йўқол, гўзал еримни қилма тор,
Сени шақи зулматни йўқ этсан, саодат тонг отар,
Кун нурин кўрсатмаган сен парда осмон олдида.

Эр эмасман токи душманнинг қонин оқизмасам,
Дунёда хоинлик айбин кўксига тақизмасам,
Тўрт заҳарли ништари-ла ўзини чаққизмасам,
Алла* айтиб тобут ичра ҳаммасини ётқизмасам,
Шунда мард номини олғум халқи Шинжои олдида.

Эй санам, атроғга боқ, халқинг бекор, тиңч ётмасин;
Құлға олсынлар қуролни, кечалар бош қотмасин,
Жим ётиб, ҳасрат чекиб, қоилар ютиб, дард тортмасин;
Хийлакор, маккор рақибга обрўларин сотмасин,
Эрк йўлида тўхтамасмиз қону қурбон олдида.

1946 йил, август,
Гулжас.

ЖИНОЯТДАН ШИКОЯТ

Узоқ муддатли маҳкумликда дилда дард ниҳон бўлди,
Худога шукурким бул кун буни айтар замон бўлди.
Кучор, Шоҳёр, Бугур, Бой аҳлидан бу сир баён бўлди,
Ўшал бадбахт сиёсат зарбидан дилларга қон тўлди,
Қўшимча эзгувчи халқни Сайд Аҳмад чаён бўлди.

Дариғо, зулм истибод сиёсатдан қилурда дод,
Сайд Аҳмад „хўжам“нинг дастидан юз ҳисса дод, фарёд,
Қачонки Шинг-Ши-Цай қассоб дўконга чиқди у бедод.
Кесай бошларни деб чиқди Сайд Аҳмад деган жаллод,
Бунинг золимлиги халқ ичра ошкора — аён бўлди.

Бунинг қилган жиноятини оз-моз айласак тасвири,
Ўқиган илмини жойида ишлатмай қилур таҳқир,
Бурундан пулга зўрлаб, бек ва шанжонгни қилиб
тасхир,
Ўринисиз қози бўлди порахўрликни қилиб тақдир,
Етишди Шинг Ши-Цайга икки тилли бир илон бўлди.

Ҳалойиқ одатни паймол этиб, поҳақ зулм айлаб,
Гарив бечораларнинг топганига ҳам ҳужум айлаб,
Қорани оқ қилиб, оққа қора бирлан ҳукм айлаб,

Ҳамиша порахўрлик бирла нафсини тулум айлаб,
Бу бир тўймайдиган тўқайдаги ваҳшни қобон бўлди.

Хусусан бу сафарги инқилобда халқни кўп эзди,
Халойиқ ҳам „хўжам“дан бениҳоят тўйди ҳам безди,
Кучор, Шоҳёр билан Бойни оралаб бир сафар кезди,
Бу бир боргандада халққа кўп бало-ю зулм кўргузди,
Ўзи бир ўт бўлиб, илкида тутган қамчи қон бўлди.

Талаб олди халойиқ мулкини „совғага“ олдим деб,
Боланг „ўғрилара“ қўшилганин-чун пола солдим леб
Бирорни, сени мени ушбу ўлимдан айриб қолдим деб,
Сенинг йўлингда ишлаб чарчадим ва ёки толдим деб,
Шунингдек йўл билан бу инқилоб анга ҳаёи бўлди.

Ажалининг шарбати қонли қиличдан қайшаган-тошган,
Зулмнинг дастидан бир қанчалар жонни олиб қочган,
Уларнинг қўрққанидан қанчанинг ноҳақ қонин сочган,
Бунинг устига Саид Аҳмад қазонинг дафтариин очган,
Ҳамиша қилмишида асли истибодд саён бўлди.

.. Ҳали фатво чиқарди жон қочирганларнинг ҳаққида,
Ҳалол қилди талаб олмоқни моли бўлса дастида,
„Мубоҳ“ қилди хотинни ажнабийга бўлса тахтида,
Шунингдан бўлди иффат номусимиз оёқ остида,
Бунинг қалбнда виждан борлигига халқ гумон бўлди.

Зулмга ёрлашиб, ҳозирда ҳарбий маслаҳатчи у,
Зулм арбоблари уйқуда ётганда кузатчи у,
Қон ичувчи худди қушхонадаги бир „тўлакчи у“
Жалойиқларнинг мол-мулкини ва гўштин емоқчи у,
Жудоё бу жафолардан баданлар устихон бўлди.

„Хўжам раҳбарлигида“ халққа зулм айлаб қари ёшдан
Сафил сўқмоқ бўлиб эрди Кучор, Ёйга янги бошдан,
Ажаб қаттиқ өкан кўнгли ўтиб кетган қора тошдан,

Этаклар қуримасди кўздан оққан қон билан ёшдан
Ғурур ўсган деҳқон болалари муҳтожи нон бўлди.

Бу зулмат маслаҳатни бошлаганда кетду у иллат.
Демак тўхтам буйича баб-баробар бўлди ҳар миллат
Асоратдан қутулдик, бошимиздан кетди бу зиллат,
„Хўжам“ ҳасрат чекиб, боғлаб беролмай қолди бе миннат
Оқармас оби замзам бирла юз йиллик қозон бўлди.

Ҳаётдан ҳаққи йўқ, кетсин бу дунёдан, қабр жойи,
Менинг ҳукмим эмас, балки замон вазияти — ройи,
Нажосат қилмасин дунёни бадбаҳт хўжанинг пойи,
Ўтиб ўн беш қоронғу, ҳозир ойдинлашди ҳалқ ойи,
Демак навбат ҳалқлар баҳтига келди, омон бўлди.

Йигит бўлсанг тур ўрнингдан талаб қил интиқомингни
Забунлик етмасин, боғла ватанга эътиқодингни,
Тараққий айлагил сен ҳамда ҳалққа эътиборингни,
Сотиб қўйма, Сайд Аҳмадга ўхшаш ихтиёрингни,
Қуритсанг сен ватан хоинин, юртимга омон бўлди.

1946 Йил декабрь
Ғулжас.

ОЛДИДА

Рухсат айланглар бугун сўзлашга майдои олдида.
Айтайни кўнглимдаги сиримни виждан олдида,
Булбули шайдо каби боғ ичрарайхон олдида.
Танга жон сиғмайди хушҳолман бу бўстон олдида,
Ёш йигитнинг кўнгли янглиқ ёрижонон олдида.

Сўз бошида доҳиймиз Мавжушига ҳурмат тилай,
Коммунистик партия юз минг яша, деб ўргилай,
Ишчи-деҳқон бирлигини жондан ортиқ деб билай,
Душманим қон йигласин, халқим билан доим кулай,
Отамиз, устозимиз, доҳий қадрдон олдида.

Бўғса ҳам мудҳиш зулм ҳеч тўхтамай ўсади тилак,
Оҳ, ёруғ тонг қайдада деб қон кечди ҳар кучли билак,
Неча бор олди қаламни дарғазаб ўтли юрак,
Қон ичиб, зор қақшатиб келган эди золим фалак,
Кетди зулмат, келди озод кун бу имкои олдида.

Кун чиқишидан кун чиқибди, баракалло, деди әл,
Коммунистлар халқни озод этгали боғлабди бел,
Бўлди армон-орзумиз Мао Цзе-дун йўлида ҳал,
Кўтарилди устимиздан ҳайқириб турган ажал,
Кун ўзи нурини сочди бизга осмон олдида.

Коммунистлар бизни озод қилди зулмат илкидан,
Қўйни қўйчи асррагандай бўри билан тулкидан,
Ишчи-декон бўлди озод феодаллар мулкидан,
Қиз-ўғиллар тўхташолмас шоду хуррам кулкидан,
Кўз ёшин тўкмас элим энди зимиштои олдида.

Зулму-ваҳшат таҳтини қилди яксон коммунист,
Сувни бошлаб, чўлни қилди боғу-бўстон коммунист,
Ҳар қаерга борса қилди гул-гулистан коммунист,
Сайраса қулбул садоси, бўлди достон коммунист,
Ҳамма имкон бўлди тайёр ишчи-декон олдида.

Биз эдик аср бўйи фаний билимдан бехабар,
Неча йиллар ўқисак, билганимиз пеш, зер, забар,
Коммунистлар қайси чоғ топди бу ўлкамда зафар,
Бас, шу кундан бери мактаб бирла бўлдик муътабар
Бу сабабдан коммунистни севамиз жон олдида.

Эл қатори тенг ҳуқуқлик бўлди энді ҳалқимиз,
Ҳамма миллат тенг баробар иттифоқ, соғ қалбимиз.
Камситишлар йўқолиб, битди адоват, галвамиз
Тортамиз танобини чиқса орадан телбамиз,
Тилачаймиз оҳ уриб, шафқатни биз хон олдида.

Олти йилдан бери берди бизга яхши тарбия,
Ҳаммани эркин яшатди ҳалқ озодлик армия,
Бу сабабдан яша дейман Коммунистик партия,
Донмо олға борурмиз сенга олқишлилар дея
Ҳалқимиз баҳтин топур меҳнатда, виждон олдида.

Бахтиёрдир ўлкамиз, бўлди чарогон келгуси,
Социализмга боришининг бу асосий белгиси,
Шону шавкат, баҳт-саодат эл аро тенглашгуси,
Элга бойлик зўр саноат ўлкада тиклангуси,
Турмагай ҳалқим гадойдек телмуриб нон олдида.

Босамиз олға қадамлаб коммунистлар изидан,
Келтирармиз күп ҳосилни шунда ҳар бир езадан
Севинар ота-оналар ўғлидан ҳам қнзидан,
Кетгуси ғамли аломат ҳамма одам юзидан,
Бўйга етган қизга ўхшаш уйда меҳмон олдида.

Бу фарогатли ҳаётдир Маожушининг шафқати,
Бизни ҳурликка чиқарған коммунистлар ҳиммати,
Оразуларни қилгуси ҳал ишчи-дехқон ғайрати,
Эларо ошмоқда ҳар дам коммунистлар ҳуғмати,
Ним шаҳид айтар қўшиғин ушбу майдон олдида.

*Урумии,
1955 йил, октябрь.*

МУҲАББАТ ИФОДАСИ

Дилбарни бир кўрай деб,
Мен нотавону хаста,
Билмай отин, сўроғлаб,
Юрдим бозору раста.

Гулшан ичида ногоҳ,
Булбулни қилди огоҳ,
Гул ошиғи агар сен,
Савтингни қил оҳиста.

Маҳкуми амри бўлдим,
Ишқ била завққа тўлдим,
Жон танга сиғмади ҳеч,
Булбул каби қафасда.

Мен навбаҳор чоғимда,
Ғунча әдим боғимда,
Ҳайрон-у зор гўзаллар,
Мўраларди ҳавасда.

Мен бир гаранг кишидек,
Нола улар ишидек,
Мағрур лочинга ўхшащ,
Бўлмас әдим шикаста.

Боққанда ўтмишимга,
Гоҳи кирар тушумга,
Бераҳмлик сазоси,
Минг тавба ҳар шафасда.

Кибр ила ғамза қилсан,
Қош била рамза қилсан,
Нозу карашмалилар
Гул тутар даста-даста.

Зулфи қоронғу тундек,
Юзи гүёки кундек,
Ул соч қароси қундуз,
Ёқут лаби жинаста.

Қийғоч қоши янги ой,
Менки бориб ялнімай,
Мажнуни каби юрсам,
Чұл, дашту, дүңг ва пастда.

Йиғлайман ҳеч толмай,
Ёки йироқ кетолмай,
Энди түя боқмасман.
Машраб бўлиб Такасда

Мумкинмиди висолинг?
Ё бошқами хаёлинг?
Рад этиб Ним Шаҳидни
Дилин қилма шикаста.

1955 йил декабрь.
Бой шаҳри.

РАҲБАР ХОТИРАСИГА

Аҳмаджон эди танимизда жон,
Балки юракнинг томирига қон.

Оҳ бу жон эди юракка даво,
Ором оларди ҳар бир бенаво,

Эл учун жони кафолат эди,
Үлкам кўрмасин маломат деди.

Орамизда йўқ, марҳум бўлган у,
Аммо юракда яшайди мангу.

Абад сақланар кўнгилда ёдинг,
Бугун амалга ошди муродинг.

Эй азиз раҳбар, сен эдинг бир нур,
Юраклар сендан оларни ҳузур.

Элнинг роҳати эди тилагинг,
Халқ бахти учун урди юрагинг.

Меҳрибон кўз-ла боқдинг ҳар тараф
Халққа келтирдинг саодат, шараф.

Халқ бахти эди сенинг армонинг,
Халқ эди сенинг дардга дармонинг.

Қайғунг ва кулгинг халқ билан ўртотқ.
Халққа қайғудош әдинг сен ҳар чоқ.
Исминнга жисминг ажаб муносиб,
Үлкамда әдинг моҳир бир косиб.
Кураш чоғлари номинг эди ёр.
Ўтли юракка доим мададкор.
Сенда бор эди ҳаққоний виждан
Унутмас сени ҳар ишчи-дехқон.
„Озодлик“ дея сен шимардинг енг,
Ҳамма миллатлар бўлди эркин, тенг.
Йиқилди зулм, ер билан яксон,
Эзувчи синф йўқолди, гумдон.
Элнинг жонига ҳаёт бердинг сен,
Қанотсиз эди, қанот бердинг сен.
Қолди дилларда муборак исми,
Гоҳи тушларда кўринар жисми.
Бир йилга тўлди унинг вафоти,
Тилларда яшар унинг сифати.
Унутмас уни ҳеч қачон эллар,
Ўтса ҳам гарчи кўп узоқ йиллар.
Чунки у эди халқининг устози,
Халқимиз ундан абадий рози.
Асло ўчмайди босган излари
Амалга ошди айтган сўзлари.
Эй азиз раҳбар, қабрингда тинч ёт,
Бўлди халқимиз баҳтиёр ва шод.
Ним Шаҳид ёэди сенга марсия,
Олган у сендан таълим-тарбия.
*1950 йил, август,
Ғулёжа шаҳри.*

БИЛИМ ҲАҚИДА

Жаҳон раънолари ичра билимдек ҳеч гўзал ёр йўқ,
Билимдан ўзга тутган ёр бўлур у гоҳида бор – йўқ.

Кириб нафсингни куйига, билимдан ўзга ёр тутсанг,
Бошингга тушса бир кунлар, у чоғда сен каби хор йўқ.

Фароғат истасанг, асло билимдан ўзга ёр тутма,
Сенинг қадрингни сақлашда билимдек яхши ғамхўр йўқ.

Билимсиз соғ танинг мажруҳлардек нола фарёдда,
Жаҳон ичра билимсизнинг дилидек эски бемор йўқ.

Билимга ошио бўлсанг, ўқиш ишқида булбул бўл,
Ўрганмакка маориф боқчасидек асли гулзор йўқ.

Бу кенг дунёнинг қандай пучмогига бош тиқиб ётсанг
Билим тортиб чиқар майдонга ҳеч бир кимга хабар йўқ.

Билим руҳий озиқ инсон ҳаётига агар билсанг,
Билимнинг қадрини билгувчи ўлмас, бунга инкор йўқ.

Чопон бирлан ўзингни ярқиратсанг, бир бўёқчисан,
Билим асли бугун, сирлик чопонларга харидор йўқ.

Билимдан чётда кўрган давлатнинг жоннинг жафосидир
Жафо қилмоқда жонига билимсиздек ситамхор йўқ.

Билимдан ҳамма иш майдонга чиққан асрдур ҳозир,
Билим лозим, билимсизларга бу асрда бозор йўқ.

Ўзинг ҳам Ним Шаҳид бу фикрингнинг тасдиқи бўл
қурбон.

Билимдан юз ўғирганлар каби қаттиқ гуноҳкор йўқ.

1936 йил, февраль.
Бой.





Турдии Сомсоқ

Ю Р А К

Чўғдек ловиллаб турмаса,
Юрагим бор демагин.

Юрагинг тўлқин урмаса,
Тилагим бор демагин.

Тилак амалга ошмаса,
Билагим бор демагин.

Ишинг элга ёқмаса
Керагим бор демагин.

1955 йил, шуъъ.

ДУСТЛИК ТАШАККУРИ

Совет эли, халқлар сени—
Дейди нажот байроби.
Сен озодлик, чин дўстликнинг
Асло ўчмас чироби.
Семи севар, озодликка —
Ташна бўлган юраклар.
Чунки, сенсан меҳнат элин
Зўр таянчи, маёги.

Қудратингдан зулмат тахти,
Парчаланиб ташланди.
Сен ўрнатдинг адолатнинг
Мустаҳкам, чин тахтни.
Сен билан шу янги тарих,
Янги ҳаёт бошланди,
Сен яратдинг мазлумларнинг —
Тақдирини, баҳтини.

Бошимизда ҳилпираган,
Нурли қизил байроқдан,
Улуғ доҳий, курашчилар
Сиймосини кўраман.

Шу муборак нур машъални
Кўз нуридай қадрлаб,
Жон-тан билан ҳурмат қилиб,
Юз-кўзимга сурман.

Элимиизда қад кўтарган,
Хар муҳташам бинода,
Москвалик инженернинг—
Ақли-идрок, сўзи бор.
Дилга чексиз ором бериб,
Хушбўй хидлар таратган,—
Мевага кон боғимизда
Мичуриннинг ўзи бор.

Тъян-анъ-миннинг минбаридан,
Нур сочмоқда ярқираб,
Нурли Кремль юлдузининг
Мангу ўчмас нусхаси.
Ана! Аньшань қучоғидан
Янграб овоз бермоқда,
Янги Хитой ишчинининг
Болгасининг зўр саси,

Еримизда етилмоқда,
Кўз чақнатиб ярқираб,
Ер юзига донғи кетган,
Ўзбекистон пахтаси.
Донбассчилар идрогини
Жо қилмоқда қалбига,
Яшиаётган Хайнан, Фушун,
Людованинг шахтаси.
Меҳнат билан шон яратди,
Бизнинг улуғ Хитой ҳам.

Ер юзини тонг қолдириди,
Ғалабалар қиссаси.
Бизининг шараф-шонимиизда,
Онгимизда биргадир
Ошга лаззат берган туздек
Дўстлигимиэ ҳиссаси.

Дўстларимга совга учун.
Гулзоримдан гул танлаб,
Шангхвадандан лента ўраб
Гул дасталар тузатсан.
Қора чойдан қуюқ дамлаб,
Машҳур жонон чиннимда --
Шу қадрдон дўстларимга
Икки қўллаб узатсан.

1955 йил, ноябрь.

Г У Л

Ҳаёт уйғомар келганда баҳор,
Гуллар очилур ҳатто бутун ёз.
Аммо билмайман нима сири бор,
Нима учумдир, гулнинг умри оз.

Қисқа умрида шу дилрабо гул,
Чексиз гўзаллик қиласи пайдо.
Шохида сайрар ишқивоз булбул —
Бўлиб шу гулнинг кўркига шайдо.

Майлига гулнинг умри бўлсин оз,
Ҳар тонгда фифон айласин булбул.
Ватан боғида ундираман, соз,
Абадий гўзал, мангу сўлмас гул.

1956 йил, маёй.





Аршиддин Тотлиқ

ФОЛИБ ТОНГ

Мен қўшиқ айтган тонг, оддий тонг эмас¹
Қизарди шарқимнинг мусаффо тонги.
Бундай қўшиқ айтган ёлғиз мен эмас,
Дунёга таралди бу тонгнинг донги.

Шунинг-чун Ватанинг ҳамма ерида,
Кувонч садолари фалакка етди.
Хитойни ёритиб чиққанда қуёш,
Тяньшан нурланиб, ярқираб кетди.

Элимиз устида қуёш кулган чоғ,
Шум булат таралиб, осмон сузилди,
Жингайсан жонланиб, шовқин-суронда,
Курашchan қалблардан сафлар тузилди.

Уйғонган Хитойнинг ўғил-қизлари,
Кураш майдонида эмаслар якка.
Озодлик байроғин кўтарган халқлар,
Етарлар албатта мақсад-тилакка.

Қуриб янги ҳаёт юриб баҳт сари.
Жаҳонга берамиз янгидан чирой.
Коммуна йўлидан бориб илгари,
Нурларга бурканур бу янги Хитой.

1952 йил, сентябрь.

¹ Уйғундан.

ОҚСУВ ДАРЁСИ

(Оқсув дарёсидан бошланган „Фалаба канали“нинг Хитой халқ озодлик армияси томонидан қурилиб битирилиши муносабати билан)

Шўх шамол эркалар юзимдан силаб,
Баҳримни очадир тонгнинг ҳавоси.
Тонг сахар туриб мен, қирғоқларингда
Завқланиб кезаман, Оқсув дарёси.

Ха... сени иўхталаб ботир армия,
Йўлингни қаратди қақраган чўлга.
Лаблари гезариб чанқаган саҳро,
„Фалаба канали“дан айланди гулга.

„Чўл қудуқ“ яшнади, бўлди бир бўстон,
Буғдойлар тўпланди хирмонга тоғдек.
„Матон“дек чангальзор бўлди гулистон,
Ҳаётбахш сувингдан ясанди боғдек.

Сувингдан яшнаган, гуллаган қишлоқ,—
Бағрида гуруллар юзлаб пўлат от.
Кумушлек пахталар, олтиндек донлар,
Келтирап халқимга фаровон ҳаёт.

Беғубор осмондек тиниқ юзинг-ла
Хар тонгда ўпишар саҳар ҳавоси.
Тўласан ҳуснингга ҳусн қўшиб,
Шўх жонон қизлардек,— Оқсув дарёси.

1955 йил.





Raҳim Қосимов

СОВЕТ ХАЛҚИГА

Улуг Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигига бариншадайман.

Шоириман ўз халқимнинг, элимнинг.
Таърифингни куйламоқлик фахримдир.
Оча олсам бор сирини дилимнинг,
Ишонгилки, бу толеим – баҳтимдир.
Чунки, шоир – элнинг тили, бу гап рост.
Шоир айтган ҳар мисра сўз элга хос.

Мана бугун роса тўлдинг қирқ ёшга,
Қалбимизда юз минг йиллик ишқинг бор.
Тенглаштирсам агар сени қуёшга,
Тўғри бўлур чунки ўтли меҳринг бор.
Сен қуёшсан, ойимизсан, юлдузсан.
Бизлар учун ҳамма вақт кундузсан.

Сенга атаб ёздим мен ҳам қасида,
Кечир бўлса агар каму-кўстини.
Юраклarda фақат ёлғиз ақида,
Маҳкамланисин хитой-совет дўстлиги.
Тянь-шандек юксак салом йўллайман.
Саломимни севинч билан куйлайман.

Яшаб келдик биз ёнма-ён азалдан,
Бир онанинг худди икки боласи.

Фақат айтган қўшиқлардан, ғазалдан,
Аён эди мазлум халқлар ноласи.
Девор қўшни бўлиб тарих яратдик.
Чин дўстликнинг шамунасин таратдик.

Узок ўтмиш ҳақида кўп тўхталмай,
Сўзлаб берай оддий ишдан бирини.
Қийналганим әмас бу гап тополмай,
Фактлардан бири әмас минггини – .
Санаш учун ҳозирдирман, агарда –
Санаш лозим бўлса майли қаерда.

Манъ-Чин офат ёғдиргандা бошлардан,
Ажал қувиб кезганида изма-из,
Кўрмаганни кўриб бағри тошлардан,
Чекди азоб әркак-аёл, ўғил-қиз.
Кезганида паноҳ излаб бош қотиб.
Сарсонликда ўзларини йўқотиб;

Юрганида сен шуларга меҳрибон —
Ота бўлиб, макон бердинг, нон бердинг.
Азоб чеккан чиройлари зальфарон
Мазлумларга ҳаёт бердинг, жон бердинг.
Улар сендан бир оламча миннатдор.
Чунки, гумдан бўлди зиндон, ўлим, дор.

Менинг бувим Совет эли қўйнида,
Умр сурисб яшаганди неча йил.
Кичик эдим, бироқ жуда тинглардим,
Совет халқин иноқлигин муттасил.
Сўзлар эди соғ юрагин қатидан.
Хурсандлиги чақнаб икки бетидан,

У қиссалар ҳали ҳам бор ёдимда,
Йиллар ўтди, етдим мана вояга.

Аммо ўша сўзлар ҳамон ёдимда,
Сингиб кетган менда бўлган ғояга.
Сен бўлмасанг балки улар бўлмасди.
Мендек шоир дунё юзин кўрмасди.

Қўшиғимда мен куйласам умримни,
Тўнғич мисра, тўнғич сўзда номинг бор.
Қанча севсам баҳти кулган кунимни,
Севилгудек шарафинг бор, шонинг бор.
Юрагимга меҳринг маҳкам ўрнашган,
Мұҳаббатинг ўти мангу туташган.

Бўлиб ўтган қонли кураш, жангларда,
Кўлдош бўлдинг, аямадинг борингни.
Ҳанжар сақлаб қанча ёвлар енгларда,
Ҳалок қилмоқ бўлди биродарингни.
Бироқ унга ўзинг бўлдинг ҳалоскор.
Ёв кўзига бутун жаҳон бўлди тор.

Ана Чань Чун кўчасида зўр ҳайкал,
Қаҳрамонлик, жасурликдан хотира.
Асло ўчмай порлаб турад ҳар маҳал,
Дилдан ўчмас миннатдорлик ҳеч, сира.
Шунинг учун қон қардошdir элимиз,
Дўстлик ипи билан боғлиқ дилимиз.

Жонни тикиб, истаб ҳурлик, озодлик,
Меҳри-шафқат, ёрдамингдан биз сенинг —
Кўзгалгандик биз ҳам чўқмор, таёқ-ла —
Қатор тизма тоғларидан Нидқанинг.
Кувиб бордик ёвни Манас бўйига.
Кўз тиккандик компартия йўлига.

Шунда Яньянъ ботирлари юқори —
Кўтараркан ғалабанинг байроғин,

Елка тираб окопларда, хандоқда,
Биз орқага тортдик душман оғғин.
Ғалабанинг қўшигини айтгандик,
Ол байроқни баланд тутиб қайтгандик.

Мана бугун озод Ватан яратдик,
Орзулар ҳам чиқди энди рӯёбга.
Бахт қўшиғи ғиз баралла таратдик,
Ватан макон бўлди нурга, офтобга.
Сўраб боқчи, „устозинг ким?“ деб савол,
„Партия“ деб жавоб берар бемалол.

Йилларга тенг минутларнинг қадами,
Бой бермадик фурсатларни, ўсдик биз.
Янги жаҳон, бахтли ҳаёғ душмани —
Кўринганда өзиб, йўлин тўсдик биз.
Виждонимиз ойнасидир аҳдимиз.
Ғалабамиз—шарафимиз, бахтимиз.

Бизга улуғ партиямиз етакчи,
Бизга ғамхўр, бизга унинг ўзи бош.
Сен босган йўл, бизнинг айни йўлимиз,
Сенинг меҳринг қалбимиизда бир қуёш.
Фақат сен-ла ёруғ эрур йўлимиз.
Сен дўстимиз,—қанотимиз, қўлимиз.

Шиханзада оқ олтинлар чақнаган,
Чўнакларга назар солиб бир қара.
Неча йиллар инсон оёқ босмаган,
Янтоқ ўсан саҳролар ва чўл аро,
Сен кўрасан бой колхознинг ерини.
Деҳқонларнинг тўккан ҳалол терини.

Кўз югуртиб, боқсам агар қаерга,
Чин дўстларнинг ҳимматини кўраман.

Юрагимнинг чуқур; ўтли ерида,
Мұҳаббатим кучин сезиб тураман.
Қалбга сиғмай чиқар шу сўз: минг раҳмат.
Дўстликимиз яшнаб борар то абад.

Совет юрти, мардлар эли, жонажон,
Ҳурматимиз худди баҳор тошқини.
Сен бизларга содиқ дўстсан, меҳрибон,
Қалбимизда мұҳаббатнинг ёлқини.
Сен ҳур ҳаёт, соадатнинг чўлпони.
Сен тинчликнинг, озодликнинг посбони.

Гул-ғунчалар безаб турсин йўлингни,
Будир ҳалқининг чин умиди, орзуси.
Табриклайман яна, яна тўйинигни,
Қадаҳ тутиб, бу қалбимнинг туйфуси.
Дейман: яша, юксал, доим топ камол,
Дўстларга шон, душманларга бер завол.
1957 йил.

ОРЗУ

Букчайиб ўтириб чироқ тагида,
Ёзаман қўшиқлар кечиб уйқудан.
Баъзида киприклар юмилар аста,
Ўйқу ғолиб келиб ширин туйғудан,

Жанговар мисралар тизилса сафга,
Кўнглимда бир олам шодлик сезаман.
Хаёлим лочини учар кўк сари,
Илҳом ҷўлларини чанқаб кезаман.

Баъзида бечора мисралар иўноқ,
Туришар бош эгиб, менда умиди.
Гўё таъна этар наҳотки бизни—
Мисра деб атаса шонрининг диди?

Севгилим айтарсан: „Нега бунчалик—
Уриндинг? Қозонмоқ бўлдингми шуҳрат?“
Йўқ, менинг орзум фақат биргина,
Шу орзу ишқида ёнаман фақат.

Эшигил, агарда мен шеърим билан,
Чертолсам қалбларнинг нозик торини,
Завқланса ўқигач уни ҳар киши,
Ошиқлар ўйласа—эслаб ёрини.

1955 йил, октябрь.

ҚИЗИЛ ГУЛ

Бир даста қизил гулни,
Ол дединг, бердинг менга,
Сўрадинг қия боқиб,
„Ёқарми бу гул сенга?“

Агарда кеятирсанг ҳам,
Тиканакнинг гулини.
Қонмасдан такрор-такрор
Хидлар эдим мен уни.

Билсанг, менга шу қадар
Азиз улар ҳар чоқда.
Чунки ўсиб, гуллайди
Биз яшаган тупроқда.

1957 йил, сентябрь.

СОВУҚ ВА МЕН

Қирор босиб қош-кипригим келардим,
Совуқ қотиб манзилимга елардим,
Қаердандир ўтиб қолдинг лип этиб,
Ёнди таним, юрагимга ўт кетиб,
Қучогига олди гүё саратон,
Сувсиз чўлда чанқагандай, мен сарсон,
Қолдим ёниб, ўт ичидা азобда,
Аммо сезмай ўтиб кетдинг шу топда,
Зеҳн солсанг кўрар эдинг ҳаммасин,
Кўзларимда солган ўтларинг аксин.

1957 йил.





Довуд Тураҳмедов

ПАРЧА

Душманнй аяма, юрагинг тош қил,
Сиру асрорини эл ичра фош қил.
Ишингдан дўстларинг – эл баҳра олсин,
Ўстирган мевангни халқингга ош қил.

1939 йил, май.

ТОНГ ОТДИ

Чўғдай тонг отди,
Ва йўқолди тун,
Зулм топди завол.
Тугади гусса,
Оғир, ғамли кун,
Уқубатли ҳол.
Кулишди ҳатто,
Чақалоқлар ҳам,
Ҳасса тутган чол.
Хузурланиб енг
Озодлик гулин—
Чечагидан бол.

1949 йил, октябрь.

РУМОЛ

Киприк қоқмай кечаси билан,
Менинг ёрим рўмол тикибди.
Кимга атаб?
Билмадим аммо —
Бор ишқини шунга қилиб жо,
Гўзаллиги шу қадар, айтсам —
Қараб-қараб тўймайди кўзинг.
Ҳар бир гули, ҳар бир нақшида
Чуқур меҳрин сезасан ўзинг.
Юқорида лола ранг юлдуз.
Нур сочгандай порлаб туради.
Завқланасан, бўласан хурсанд.
Чунки унда Ильич сурати,
Ота меҳри билан жилмаяр.
Юрагида ҳар бир кишининг
Ленин меҳри илдизин ёяр.

1956 йил, 21 январь.





Султон Маҳмуд

ПЕКИН ИЛҲОМЛАРИ

Қалбимда жўш урар бир ширин орзу,
Кўпдан бери қўришни доим ўйлардим.
Хаёлим бир чексиз океан бўлиб,
Юрагим кема-ю, сузиб ўйнардим.

Орзу-умидларим кулиб ғунчадек,
Наҳот етиб келдим айни тонг саҳар.
Эй Пекин, баҳт гулинг яшнаб очилган,
Қуёшдек нурлисан, улуғвор шаҳар.

Улуғ останангга қўйганда қадам.
Ёқимли жилмайиб, хуш чирой очдинг.
„Кел менинг ўт юрак ёш куйчи ўғлим“—
Дея меҳру шафқат нурини сочдинг.

Шунинг-чун жўш уриб худди ловадек,
Илҳомим қайнади юрак ичидан,
Кўйнингга келишдан умидларим зўр.
Хурсандлик мавжланиб ошди чекидан.

Сен учун тўқидим оддий бир қўшиқ,
Чунки шўх туйғулар, ҳаваслар қайноқ.
Саодат, шарафдир ёш куйчинг учун,
Ҳар сатр шеърига номингни қўшмоқ.

Чункӣ сен миллионлар мұҳаббатини,
Қалбиннга жо қылған жонажон шаҳар.
Қўйнингда қонгунча ўйнаб, сайд этай,
Куй тўқий мадҳингга ҳар кеч, ҳар саҳар.

Ҳар тонгда бошланган қувноқ шеърни
Ёзаман то қуёш тоғдан ошгунча.
Ёзаман завқланиб, ҳам тўлқинланиб,
Оқ дафтарим тўлиб, тўлиб тошгунча.

Жаранглаб турувчи кўнгил қуйлари
Сен берган баҳтнинг акси-садоси.
Қалбимнинг нақшидир ҳар битта сатрим,
Бахтиёр ҳаётнинг янгроқ навоси.

Қаламим йўл олса оқ қогоз узра,
Олдимга тўқасан қучоқ-қучоқ нур.
Нур эмниб ҳар сатрим, чўлпондек порлаб,
Қалбларга беради завқ билан ҳузур.

Сен учун тўқидим оддий бир қўшиқ,
Чунки, шўх тўйгулар, ҳаваслар қайноқ.
Шарафдир ва баҳтдир ёш куйчинг учун,
Ҳар сатр шеърига номингни қўшмоқ.

Пекин, 1956 йил.

КЕТМАЙ ЁНИНГДАН

Үйтүғроқ, Үйтүғроқ, ватан гулшани,
Номингни эшилдим, шодландим шу чоғ,
Қалбимда тошади илҳом мавжлари,
Мен келдим қўйнингга, эй бўстон, гулбоғ.

Ям-яшил водингни, гул боғларингни
Оралаб тўймадим, яйрадим, кездим.
Хушбўй қучофингда атир ҳиди бор,
Гўзаллик лаззатин мен сенда сездим.

Эшилдим завқланиб чаманзорларда
Шу жўшқин ҳаётнинг шўх ашуласин.
Онамдек меҳрибон қучофингда мен
Тингладим ҳаётбахш аллалар сасин.

Шарбатлар макони — чаман боғларинг,
Нур каби ранг-баранг, оҳ, қандай ҳузур,
Шабада ўйнаган саҳар чоғларинг
Шу узун умримга қўшади умр.

Узум ҳам шафтоли, анжир ва анор,
Қовунинг шарбати ёради тилни.
Еринг кўп сахийдир, не үстасанг бор,
Қайнар булоқларинг очади дилини.

Ўйтўғроқ, мен сени қанча мақтасам,
Мақтаёлмасман булбулларингдай.
Сен ватан қўйнида яшнаган чаман,
Мен ватан ўғлимдан ўғилларингдай.

1958 йил.





Умар Имин

ЖАНГЧИННИНГ ХАТИ

Жуда соғиндим демагин, жоним,
Соғиниб сени мен ҳам интизор.
„Қачон келасиз?“ — демагин яна,
Мен ҳам сени ёр, тўйиб кўргим бор.

Ёдимда жоним, ёдимда ҳамон,
Дилимга жоли р ширин сўзларинг.
Суратинг доим кўзим олдида,
Кўз олдимдадир сузғин кўзларинг.

Елкамда милтиқ, қўлимда қилич,
„Хайр“... деганда сен, кўзга ёш олдим.
Ялуцзяндан мен ўтиб қирғоққа —
Сенга бир қараб термулиб қолдим.

Мана тўрут йилким, юракда соғинч,
Энг ширин орзу, умидлар тағин...
Ҳар соғинганда, қирғиб душманни,
Ғалаба куиниң қиласииз яқини.

Жуда соғиндим демагин, жоним,
Сен қандай бўлсанг, менда ҳам шу ҳол.
Ҳар соғинганда ишчи онангдай
Қилган ишикгдан кўплаб унум ол!..

ТОРИМ

Даҳшатли зулмдан бағринг қон бўлиб,
Тўлғаниб ҳасратда кўп замон оқдинг.
Эрк дея мавжланиб, тўлқин кўтариб,
Келажак ҳаётга умид-ла боқдинг.

Урилган чоғда ҳам тошдан-тошларга,
Мардликдан тўқмадинг кўздан ёшингни.
Орзу йўлида чўл, биёбон кездинг,
Жафога эгмадинг ҳаргиз бошингни:

Йўлингни тўсгандা ҳайбатли тоғлар,
Ғазабдан чайқалиб, қайнадинг, тошдинг.
Шалоланг кўпиклаб қулоч отганда
Қоя-ю қирғоқлар бошидан ошдинг.

Кўзлаган маррага етиб охири.
Курашдан дардингга топдинг чин даво.
Шовқининг бошланди шу дамдан тортиб,
Шодликнинг созидан янгратдинг наво.

Курашда кўрсатиб жасоратинги,
Тарихда ҳеч ўчмас излар яратдинг:

Тўлқинларингдан из қолди юракда
Шон-шавкатимизни ҳар ён таратдинг,

Қайтмагин йўлингдан, қулочлар ташлаб,
Тўлқинлар кўтариб гирдоблар яса.
Жанговар юришдан ғалаба қучиб,
Фахримиз бўлиб сен мангуга яша.

1957 йил.



F. Гаюроний

ҮҚИ, ИНИМ

Тонг отиб, офтоб шуъла сочмасдан,—
Олдиноқ мактабга кетасан, иним.
Навбатчи дўстинг ҳам әшиқ очмасдан
Мактабинг олдига етасан, иним,

Устоzinг ўқитар ҳар фандан сабоқ.
Қайтганда уйга деб берар топшириқ,
Уни сен, ҳар оқшом ўлтириб узоқ,
Ишлайсан, әрталаб бормайсан қуруқ.

Бир куни сен хурсанд киріб әшикдан,
— Қаранглар, — дединг:— мен пионер бўлдим,
Яша — деб шу чоғ мен, ўзим демсомол —
Бўлганимдагидай шодликка тўлдим.


Шод-хуррам ва нурлик юзингга қараб,
Кўзимни узолмай тикилдим узоқ.
Қип-қизил галстук туар ярқираб,
Ёқилгандек уйга янги бир чироқ.

Сен мангу баҳтиёр, аммо иним, баҳт
Йўргалаб олдингга келмайди ўзи.

Ахтар, ҳаракат қил унга ҳар вақт.
Бўлмаса қуруқ гап бўлар баҳт сўзи.

Сен бугун яшнаган озод ватанда,
Фан-билим ҳаммага иқбол бағишилар.
Шу илм, шу меҳнат билан ҳал бўлди
Жаҳонда энг мушкул, кўп улуғ ишлар.

Бахтиёр замоннинг кенг қучоғида
Фаннинг чўққилари сари қулоччот.
Умрнинг энг асл ёшлик чоғида
Бўл илм лочини, ёйгил кенг қанот.



ОКТЯБРЬ МУҲАББАТИ

Севги ва бахтимиз кулди сен билан.
Эй миллион юракка ҳаёт берган тонг!
Қора кечаларни куйдир б, ёқиб,
Мазлум элга ҳаёт ва бахт берган тонг.
Минг-минг йиллар яшал Саодат тонги!
Нурингда акс этар партия онги!

Сен билан жонажон Жунгхва элига
Мангуга сарғаймас чин баҳор келди.
Хушчакчақ куйимиз жаранглар бунда,
Хеч қачон дард-алам чекмаймиз энди.
Минг-минг йиллар яшал Саодат тонги!
Нурингда акс этар партия онги!

Эй улуғ Октябрь, коммуна тонги,
Сен билан элимиз топди шон-шуҳрат.
Шунинг-чун юракдан фонтандек ўйнаб,
Мавж уриб тошмоқда сенга муҳаббат!
Минг-минг йиллар яшал Саодат тонги!
Нурингда акс этар партия онги!





Қамар Қурбонова

ГҮЗАЛСАН, ИССИҚ КҮЛ

Завқланиб, шўхланиб, очилиб, гулдек,
Иссиқ күл, қўйнингда сувгани келдим.
Нақадар гўзалсан, гўзалсан шунча,
Сени чин юракдан севгани келдим.'

Ҳамиша мавжланиб, тўлқинланасан.
Тўлқининг парчалар қуёш шуъласин:
Қалбимда тугаимас ҳис уйғотасан,
Янада улуғлаб ишқ ашуласин.

Атрофинг гул-лола, илҳом манбаи,
Яшил чаманларинг поёндоz менга.
Ўйноқи, ёқимли қўйнингда юрсам,
То умрим борича ошиқман сенга.

Эй ёшлик шўхлигим, майлингча яйра,
Иссиқ күл бағридан ўзингга жой ол.
Тилак бир, юрак бир дўстлар қалбида
Чин дўстлик меҳридай мангу яшаб қол.

Фрунзе. 1956 йил.

ЖАНАРГА

Дўстим Жанар, бормоқ бўлиб әлингга,
Энг аввали сенга совға изладим.
Мехри иссиқ юзларингни кўришга,
Тараддудни соат сайин тезладим.

Жанар учун совға десам, хаёлда
Гўзал дамлар нашъалари тизилди.
Илҳомларим булоқ каби жўш уриб,
Қувончларим шеър бўлиб чизилди.

Тонг шамоли кезган боғим оралаб,
Сенга атаб гул дасталар ясадим.
Меваларнинг энг яхисин саралаб,
Сават-сават Жанарга деб атадим.

Бироқ яна бу фикримдан қайтдим-да,
Богни эмас юрак ичин қидирдим.
Жанар дўстим, сенинг учун дунёда
Чин ўртоқлик совғасини ёқтирудим.

Қалбим тўлиб бир оламча шодликка,
Етиб келдим уйғур қизи мен Қамар.
Қучоқлашиб лабларингдан бир ўпай
Оч қўчоғинг қозоқ қизи, э, Жанар.

Олмаота 1956. Йи 1.





Азиз Ниёзий

НИМА ДЕЙИН ЁРИМНИ

Ёр йўлига поёндоз
Гул-лолалар тизилган.
Ёрнинг кўксида юлдуз—
Аълочи— деб ёзилган.

Шуҳрати, донғи кетган,
Достон дейми ёримни?
Нур чақнайди кўзида,
Чўлпон дейми ёримни?

Худди гулга ўхшайди,
Райҳон дейми ёримни?
Овози бор создан соз,
Жонон дейми ёримни?





Тұлқын

ТЯНЬ-ШАНЬ

Сен құзғаб, сен уйғотган соғ муҳаббат,
Хар минут завқли бўлиб туюлганда,
Шу ишқинг, шу муҳаббат қўйларимга
Бир умр мазмун бўлиб қўйилгандা,
Илҳомим тўлқинланиб тошди бугун.
Хаёлим сен тарафга шошди бугун.

Ёшликнинг ҳисларига бўлиб йўлдош,
Тикканимда сенга ўткир кўзларимни,
Боққанда нур порлаган чиройингга,
Завқ билан тиздим жўшқин сўзларимни,
Қалбимга шеърим гувоҳ бўлсин учун.
Ва мангуд кенг бағрингга қўнсин учун.

Э, баҳтлар водийсига макон бўлган,
Толеи кенг баҳтиёр асл юртим;
Октябрь нурларига қониб кулган,
Қўйнингда илҳом қайнаб кезиб юрдим,
Кийгизай сенга шеърим гул тожини.
Қабул қил ёш ўғлингнинг ижодини.

Қалбингда отганда тонг, кун қизариб,
Хайдади қизил нурлар қора тунни.

Шу тонгдан нур эмганда бу ёш кўнглим,
Ёзишнинг истагига чўмди, чунки,
Мен сени чин қалбимдан севиб қолдим.
Сендаги гўзаликдан илҳом олдим.

Мисралар қатор бўлиб тизилганда,
Ҳар сўзим сени таъриф этсайкан деб.
Бахтингга сирдош бўлган жўшқин қўшиқ
Авлоддан-авлодларга етсайкан деб,
Шодлигим тошди қалбдан булоқ бўлиб.
Юрагимга янги ҳис, куйлар тўлиб.

Э Тянь-шань мағрур кулиб шу чоғда,
Кўзимдан бир ёш йигит бўлиб ўтдинг.
Мўйсафид отага хос чеҳрангда нур,
Шодланиб, қаҳ-қаҳ отиб, кулиб ўтдинг.
Сенинг гўзал ҳуснингга қараб қолдим.
Хаёлим отларига қамчи солдим.

Кўз тикдим, шу муборак пешонангни —
Тонг билан олтин ранг нур суйиб ўтди.
Уйғониб тонг элчиси майин еллар,
Япроқлар юзига юз қўйиб ўтди.
Тонг билан қўшиқ айтган ўрмонингда,
Тонг нашъасига шу дам тўйиб ўтди.

Тянь-шаны! Қаҳрамонликка кўмилган тог.
Жанговар авлодларга бўллинг макон,
Мард юрак ҳамда жасур ўйилларинг,
Бўйнингга жангнома-тан лавҳа таққан.
Қалбингдек соchlаринг ҳам оқдир сенинг,
Сен давр тоғларидан ошиб келдинг.
Замонлар кексайса ҳам сен ёш туриб,
Неча аср чопонингни ечиб келлинг.
Маҳмуднинг сенга содиқ юрагида

Жаранглаб турган бу күй бугун тирик.
Тарихлар тарихининг музейида
Даврнинг ойнаси „Қутодғу билик“,
Шу номлар билан сени улуғлайман.
Күй билан таърифингни тўлиқлайман.

Исёнкор ўғилларинг билан ҳамдам,
Сен олам аравасин бирга тортган.
Зулмга қарши отланган элга ҳардам.
Содирга ўзинг бўлган эдинг қалқон.
Кўксингда тўкилганди Нозик қони.
Шу кундан дарду алам босди сени.

Қараймиз қайрилиб биз шу чоғларга,
Мардларни тарих кўзи билан эслаб. ·
Қанчалик баҳтиёр бу бизнинг аср,
Коммунизм асли бўлиб қолди дастлаб.
Қалбимизга сен қўйган пок муҳаббат,
Ҳардам янгича бўлиб туюлади.
Шу ишқ, шу муҳаббат куйларимга
Бир умр мазмун бўлиб қуйилади.
Пешонангда асрларнинг излари бор.
Соф чеҳрангга навбаҳорнинг қизлари ёр.

КҮЗЛАРИНГ

Гоҳо боқсам кўзларингга мен,
Яширадинг кўзингни мендан.
Юракдаги сирни айтолмай,
Яширадинг сўзингни мендан.

Мен тикилдим юлдузга узок,
Юлдуз дедим сенинг кўзингни,
Ой чиққанда телмурдим, бироқ—
Ой ҳуснида кўрдим юзингни.

Осмон шоҳи қуёшга боқиб,
Жамолингни ўхшатдим унга,
Қиё боқиб, қаровчи ўша —
Қора кўзинг ўхшайди тунга.

Қараганда ҳар замон сенга,
Олиб қочдинг мендан кўзингни.
— „Кўзимни қўй, дилим сеники”;—
Дея мафтун әтдинг ўзингни.

Фақат шундан кейин юлдузлар,
Уялади мени кўрганда.
Мен ҳам боқмай қўйдим осмонга,
Сенинг қора кўзинг турганда.

1957 йил.

ДАСТЛАБКИ КЕЧА

Эсимдадир дастлабки кеча,
Сен жилмайиб қўл узатган чоғ,
Қулогиміа аста шивирлаб,
Дилга ишқдан ёққандинг чироғ.


Узоқдаман сендаи, э гулим,
Аммо фикру хаёлим сенда.
Шу дамларнинг пок хотираси,
Ширин туйғу қўзғайди менда.

Эсингдами, шу кеча кўзлар,
Чин ишқ билан тўнишган эди.
Ха, лаблар-чи?

Бири капалак —
Бири гул бўлиб қўнишган эди.

Шу кечанинг нозик туйгуси,
Юрагимдан маҳкам олди жой.
Мен бораман ишонч Силан кут,
Кўришганда кулар тўлин ой,

1957 йил.





Ҳабибулло Юнус

ПАРЧАЛАР

Севаман деб сўз очганингда,
Севгинг мени ўтларга солди.
Сем узоқда қолган бўлсанг-да
Севги ўти юракда қолди.

* * *

Қарамагин, дема, кўзимга,
Кўзим кирмас айтган сўзимга.
Чунки сендан бошқа ҳеч гўзал
Кўришмайди менинг кўзимга.

ДОҲИЙ ҲАЙКАЛИГА

Ҳар кун ишга йўл олган чоғда,
Ҳайкалингга қарайман тўймай,
Юрагимда номинг яшайди,
Ўтолмайман гулдаста қўймай,

Саломимга алик олгандай,
Кулимсираб қарайсан менга.
Қалбимдаги миннатдорлигим
Айтгим келар ҳар сафар сенга.

Станокка қўл узатган чоғ,
Хаёлимда ўзинг намоён.
Оталарча меҳрли сўзинг
Хотирамдан ўчмас ҳеч қачон.

Ишнинг қизғини, қайноқ пайтида,
Сен бўласан менга мададкор.
Ҳафталарни улаб ҳафтага,
Мен қайтаман ишдан баҳтиёр.

Завқланаман, илҳомланаман
Кўзларингга қараганимда.
Юрагимда мавж урар шодлик,
Хурсандлигим сиғмас танимга.

Ҳар кун ишга йўл олган чогда,
Ҳайкалингга қарайман тўймай.
Миллионларининг бахтии яратдинг,
Ўтолмайман гулдаста қўймай.

*17 октябрь, 1957 йил.
Тошкент шаҳри.*





Аҳад Шокирий

ТЕРИМЧИ ҚИЗ

Этак-этак пахтани териб,
Хирмонни тоғ қилган ә чевар...
Таърифингни эшишиб сенинг,
Йигитларнинг кўргуси келар.

Сен ўстирган кўм-кўк гўзалар
Гулдек яшнаб вояга етди.
Чаноқларнинг табассумидан
Оқ олтинлар очилиб кетди.

Тонг отмасдан, юлдузлар ботмай,
Йўл оласан далага қараб.
Ҳамроҳ бўлар сенга тўлин ой,
Ел ҳам ўйнар сочингни таріб.

Икки қўллаб, чаққон теришни,
Теримчилар сендан ўрганар.
Чевар қизим сенга тасанно –
Дея злинг сендан ўргилар.

Мақтоворингга офарин айтиб
Ой ҳам қўяр тоғ устига бош.

Таърифингни эшитиб ойдан,
Кўтарилар кўк узра қуёш.

Этак-этак оқ олтин териб,
Хирмонни тоғ қилган чевар қиз,
Эрта тонгдан пахтазор бўйлаб
Бўшаштирма суръатни ҳаргиз.

1957 йил.





Аҳмад Эгамберди

ГУЛЧИ ҚИЗ

Юрак ўйнар шодликдан тошиб,
Кўзларимда севги тўфони.
Тортди шу чоқ олдимда ёниб,
Муҳаббатнинг ёруғ чўлпони.

Ўзи шу чоқ порлаб қалбимда,
Дил торини чаларди ўйнаб.
Шу чўлпонни эслаб дилимда,
Кирдим бокқа арикни бўйлаб.

Бу катта боғ гулларга тўлган,
Сочар ҳар ён муваттар бўйлар.
Ана булбул гулларга қўнган,
Эрта тонгдан тинмайин куйлар.

Кўзим мафтун, ҳаʼ ён қарайман,
Узмоқ истаб гулдан бирини.
Гуллар турар гўё билғандай,
Мен ошиқнинг юрак сирини.

Аста-аста юриб борардим,
Узмоқ истаб гулдан биттасин.
Чиқди бир қиз, шундай гўзалки,
Лол қиласар у гулнинг мингтасин.

Чаккасиға қизіл гул таққаш,
Бог әркаси гулчи қиз әкан.
— Тұхтанг,— деди табассум-ла у
Құлингизга кирмасын тикан.

Гарчи юрак севса ҳам гулни,
Билиш керак гулнинг қадрини.
Гул ҳам севар, гулдай очилған
Жонон йигит — меҳнат мардини.

Шунда боғим сиз учун бўлсин,
Бир жайрандек ўтиңгиз яйраб:
Мен қизил гул, сиз гўё булбул,
Тонг отдиринг гул учун сайраб“.

Қизнинг сўзи ўйғап нақшдек,
Гуллар тизиб қолди қалбимда.
Қизнинг шарти чиқмас хаёлдан,
Қайиқ бўлиб сузар қонимда.

Гудок чалса, ҳар тонг, ҳар сахар,
Мен меҳнатнинг куйин куйлайман.
Меҳнат марди бўлдинг десалар,
Гулчи қизни эслаб — ўйлайман.

Синъцяն 1957 йил.



Ҳаким Мусо

УЯЛГАНИНГ НИМАСИ?

Кичикликда бирга ўйнаб ўсгандик
Энди келсам ўялганинг нимаси?
Сирли қараб ер остидан кўзимга,
Мени қийнаб ўртаганинг нимаси?

Олиб қочсанг кўзларингни кўзимдан,
Бироқ юзинг шуъла олди шу дамда.
Болаликда биз ўтказган шўхликлар,
Эсга тушиб қолдими — ё ёдингга?

Эсингдами бекинмачоқ ўйинлар,
Ўтказардик кечаларни қувишиб.
Қизиқ-қизиқ чўпчакларни айтишиб
Ўлтирадик чақчақлашиб кулишиб.

Ойна олиб ўсма қўйсанг қошинингга,
Куя қўйиб, мен ҳам мўйлов қилардим.
Шўхлик қилиб қувиб қолсам кетингдан,
Тутқич бермай кетсанг, қараб қолардим.

Баъзан тутиб билагингни ушласам,
Дарров тишинг из соларди қўлимга.
Мен қолардим қўлларимни уқалаб,
Ўчинг олиб кетар әдинг йўлингга.

Баъзан билмай ўйнаб турнб иккимиз
Қолар эдик алланима талашиб.
Аразлашиб апчагача гаплашмай,
Юрсак ҳамки, кетар эдик ярашиб.

* * *

Ўйин билан ўтиб кетди йиллар ҳам,
Бироқ унинг изи қолди узоқда.
Болаликнинг бебошлиги йўқолиб,
Йигитликнинг ўти ёнди юракда.

Кунда бирга ўйнайдиган вақт ўтди.
Кўришолмай орамиздан ой ўтди.
„Номаҳрамлик“ қўли сени бўгганда,
Мени шилиб ейиш учун бой тутди.

Ишдан чарчаб қайтишимда кечалар
Бармоқ билан панжарангни чертардим.
Кутиб-кутиб кўролмасдан қорангни,
Ич-ичимдан оғир ҳасрат чекардим.

Бора-бора эркинлигим бўғилди,
Кеча-кундуз қутулмайин азобдан.
Эрта тонгдан бой кечгача ишлатиб;
Юракларим қонга тўлди ғазабдан..

Ёлғиз бошим ахир сиғмай қишлоққа,
Ўзга юрга чиқиб кетдим бош олиб.
Кўролмасдан жамолингни ҳасратда,
Кўзларимга қатра-қатра ёш олиб..

Ишқининг билан ёнган юрак таптидан
Рангимда ҳам унинг акси сезилди.
Эсга тушса унда ёлғиз қолганинг,
Юракларим азоб чекиб, вазилди.

„Ула макон“, ўсган ердан айрилиб,
Кезиб чиқдим талай юртни айланиб.
Бурда нон-чун ишладим мен туну кун,
Юрдим қулдай бой ерида бойланиб.

Кўз олдимга дарҳол етиб келардинг,
Оғир кунлар тушса агар бошимга.
Орзу-умид узилмайин юракдан,
Ахир бир кун борарман деб қошинингга.

Жондан ўтди жудоликнинг азоби,
Ҳар бир минут гўё йилдек туюлди.
Эсга тушса бирга ўсган ерларим,
Кўзиндан ёш ёмгир каби қуюлди.

* * *

Хурриятнинг тонги отган куниёқ
Аскар бўлдим қурол ушлаб қўлимга,
Бир қанча вақт жангда бўлдим, даҳшатда,
Озодлик-чун тикка бордим ўлимга.

Жангга кирсан мард сезардим ўзимни,
Чунки, жоним, сен ёнимда тургандек.
Душманларни битта қўймай қиринг деб,
Гўё ўзинг буйруқ бериб юргандек.

Юрак тўлиб рубоб олсан қўлимса,
Дуторингни сен унга жўр қилгандек.
Иргиб минсан ботирларча отимга,
Сен ҳам мен-ла отга бирга мингандек.

Ушуғ Ватан ишқи ёниб юракда,
Кетолмадим умид узиб қисмимдан.
Ватанимнинг ҳар бир қарич пок ери
Азиз бўлиб кўринади жисмимдан.

Ўртанса ҳам юракларим ышқинингда
Ватан ишқи берди менга бардошлиқ.
Ҳижронлардан ўтажакман чиниқиб,
Учратарман сен юзлари қүёши.

* * *

Йиллар ўтиб, адо этиб бурчимни,
Ишқим билан ёниб келдим қошингга.
Интизорлик кунлар чиқди эсимдан,
Завқим келиб, жоним, қилган ишингга.

Интизорлик торта-торта азизим,
Етиб келсам уялганинг нимаси?
Кулиб қараб ер тагидан кўзимга,
Кўз ёшингни оқизганинг нимаси?





Ҳанифа Солихова

БИР ҚИЗ

Кечки пайт, шивиллаб ёғмоқда ёмғир,
Дераза олдида ўлтирар бир қиз.
Кўзларида маъюс ялтирайди нур,
Заъфарон юзида хаёлчан бир из...

Булутларнинг кетида хиralашган ой,
Сузарди елкандек, аста гарб томон.
Баъзан бир қўриниб, очмасдан чирой
Худди йиглагандек борарди ҳамон.

Аламга чидолмай фигон чекар қиз, —
Икки кўз косаси тўлганди ёшга.
Не қилсни бечора хаёл паришон —
Тақлири азалми, не тушди бошга.

•Ваъдам чин ваъдадир ишонгил, гўзал.
Сени севдим, сендан бўлак ёrim йўқ.
Жамолингни кўриб, кўнгил бердим мен,
Умид гулим кулди, энди зорим йўқ”.

Шундай ширин ваъда, сўзларни айтиб,
Йигит тинмай ойлаб хўп юргурганди.
Парвонадек шайдо бўлиб кечалар,
Тонг отгунча йиғлаб, оҳлар урганди.

Ваъдаларга вафо қилмай мунофиқ.
Бир кечада бирдан кўздаи йўқолди.
Сайёқ тузогига илингган қушдай
Қиз қалбида алам, ҳасрат из қолди.

1957 йил.





ЁШ ШОИРЛАР ИЖОДИ

Ҳажар Қобдирова

К У Л А М А Н

Қуёш чиққанда кенг уфқ бўйлаб,
Завқланиб, қониб кулдим мен.
Қизил ёқутдан маржонлар тақиб,
Бахтиёр тонгнинг қизи бўлдим мен.

Йўқ ҳеч ҳасратим, дарддан дил холи,
Шодлик ичидан сўзлар тизаман.
Қонмасдан, дўстим, Ватан ҳуснига,
Худди лочиндек ҳар ён кезаман.

Ҳар ёнда кулки, ҳар ёнда ўйин,
Менинг ҳам кулким худди ўшандан
Шодлик мен билан, сен каби қувноқ,
Қонгунча кулай чиқмай гулшандан.

1956 йил.





M. Нурий

БАХТИМ ОЧИЛДИ

Бу озод замоннинг шаънига атаб
Жанговар шеърлар ёзгим келади.
Мен шеър ёзишга қалам олганда,
Илҳомни курашчан даврим беради.

Тун тугаб, тонг отиб, менинг бахтим ҳам
Қуёшдан нур олиб, чўлпондек кулди.
Бўйнимдан қулликнинг ифлос занжири
Майда-майда бўлиб, тамом узилди.

Бошқатдан келдим мен янги дунёга
Шафқатчим, таянчим партиям ўзи.
Қўрсатди партиям менинг йўлимни,
Кўнглимга машъалдир унинг ҳар сўзи.

Энди мен эмасман „тақдирнинг қули“,
Қуёшдан нур эмган ҳур гражданман.
Дунёга янгича қарашни билдим,
Шу ҳаётдан мангу бўлиб баҳраманд.

Йўлим кенг ва ёруғ, ғоям муқаддас,
Адашмай бораман, сафарим улуғ,
Кўзлаган манзилга етаман деган —
Орзу-ла юрагим ҳар лаҳза тўлиқ,

Ҳур бахтимни топдим қизарган тонглан,
Юзимга нур тўлди пишган анордек.
Ана қўйини кенг очиб бизларга,
Кулмоқда порлоқ, шонли келажак.

Партия демак — бахтимиз демак,
Она Ватаннинг шону шухрати.
Шундадир ақли давримизнинг ҳам —
Барча халқнинг чин иззат-ҳурмати.

Сени севишни, улуғ партиям,
Ҳамма нарсадан кўраман аъло.
Чунки ҳур бахтни яратган ўзинг,
Сенсиз ҳур яшаш бўлмасди асло.





Ёсин Темиров

ИЛИ ДАРЕСИ

I

Мени севиб ўстирган меҳрибон она,
Севиб қирғоқларингга келдим мен яна.
Ҳамон ёдимдадир ўтмиш кунларинг,
Фам-аламда ўтган қора тунларинг.
Бошингда учарди ўлимтик зоғлар,
Баҳорни кўрмасди сўлиган боғлар.
Булутлар қолларди шу кенг осмонни,
Пардалар тўсарди ёруғ жаҳонни.
Эсиз ўтиб кетди бола чоғларим.
Чечак отолмади сўлган боғларим.
Келардим кўргали дўстларни бошлаб.
Фамгин қирғогингга бир назар ташлаб.
Қулочкаш-лаб сузардим қўйнингга чўмиб,
Эркалаб қочардинг меҳринингга кўмиб.
Тянь-шань мунг билан ғиб бошини,
Хаёл қучогида ёзиб сочини,
• Қани қайдасан...деб,— дардларга даво?!

Сенга у ҳасрат-ла қылса илтижо,
Оқардинг фам ила ҳар ён тўлғаниб,
Садафдек сувларинг лойга булғаниб,
Томчи сувга зорди меҳнаткаш деҳқон,
Беклар қамчисидан томар эди қон.

Қанчалар ўтлилар бекларга ишлаб,
Қаҳратон қишиларда чайлада қишилаб,
Оҳ шу чоғ отам ҳам дунёдан ўтди,
Унинг сўнгги сўзлари бизларга етди,
— Оғир меҳнат билан ўтди бу умр,
Ҳаловат кўрмадик, кўздац кетди нур.
Заҳар-закқум ўтди қайнаб ошимда,
Беклариниң қамчиси ўйнаб бошимда,
Ўтдим зор-зор йиглаб юраклар яра,
Энди сен азиизим йўлингга қара,
Отажак биз кутган порлоқ нурли тонг,
Бироқ кутолмади у тонгни отанг!*

II

Партия бизларни бошлади йўлга,
Эрк — дея қуролни тутдик биз қўлга
Озодлик байробин тутдик юқори,
Эриди шодликдан Тянь-шань қори.

* * *

Хур, озод баҳтимни ҳардам олқишилаб,
Куйлай, Или, сенга қўшиқ бағишлаб,
Баҳтим баҳорида гуллар очилди,
Хон тангри бошига нурлар сочилиди,
Беғубор, ложувард, поёнсиз осмон,—
Қалбимдек покиза, чунки бу замон,
Шўх тўлқинларининг жўр менинг созим;
Менга қўшиқ бердинг, янграп овозим.
Ўйноқ мавжларишга қўёшнинг нури,
Шодликдан тошади халқнинг сурури,
Устингда учганда ўйнаб шамоллар,
Нозланиб бош эгар лабингда толлар.
Гўзал соҳилларинг чексиз, кўз етмас,
Бир кўрган кишининг ёдидан кетмас.

Сувингдан баҳраманд бўлади чўллар,
Қишлоқлар нур олур, очилур гуллар.—
Шунингчун боздаги инженер, инштчи,—
Билан бирга ишлар меҳнаткаш ишчи,
Сувингни чўлларга қараб буради,
Халқ учун ҳур ҳаёт, уйлар қуради.

* * *

Кўраман қизил нур тақсан саҳарни,
Гўзал соҳилингда обод шаҳарни.
Устида порлайди нурли беш юлдуз,
Туни ҳам ёруғдир, гўёки кундуз.
Ҳар ёнда радио тинимсиз сайран,
Паркларингдан кўнгил завқ олиб яйран.
Бунда ҳасратлардан айтилмас чўпчак,
Чунки қучоқ очган порлоқ келажак.

* * *

Дедқон қўшиқлари қирғоқларингда,
Най саси янграйди ўтлоқларингда.
Шунингчун шодликдан тошасан, Или.
Узоқ манзилларга шошасан, Или.
Онамдек әркалаб, ўстирдинг мени,
Шунингчун чин қалдан севаман сени.
Гўзалсан, гўзалсан қиши-у, баҳор, ёз,
Қанчалик таърифлаб достон ёзсан оз.





Ойшам Қодирова

Э СИМДА

Эсимда, иккимизнинг биргалашиб,
Яйловларда ўйнашиб юрган чоғлар.
Эсимда, бас бойлашиб булбуллари,
Саҳардан сайраб турган, гўзал боғлар.

Боғланган шу чоғ сенга кўнгил или,
Юрагим ишқинг билан тепар эди.
То саҳардан кечгача ишлаб бирга,
Кунлар ҳам минутдек тез ўтар эди.

Эсимда, тун кечалар сайр қилиб,
Ойдинда гулшан аро кезар эдик.
Тепамизда юлдузлар қулиб турса,
Қуш каби яйраб эркин сезар эдик.

Эсимда, енг шимариб; йўлга чиқиб,
Омонат сўзларингни айтган эдинг.
. Темир йўл қуриш учун кетдим, жоним—
Унутма" деб қўлимни қисган эдинг.

Бош қўйсам қўксингга мен гапиролмай,
Завқ билан қўзларимга тикилгандинг.
. Севаман сени жоним" деган сўздан
Қалбимнинг сирини ҳам билган эдинг.

Эсимда ўшал чоглар, унутмасман,
Хаёлим ҳар вақт сенда, бирга ўтар.
Гудогингни янгратиб тез кел, жоним,
Софиниб ўлканг сени, ёринг кутар.





Ризвонгул Исмоилова

ҚАЙНОҚ ДИЛИМДАН


Үтли юрагимдан мадҳия ўқиб,
Партиям, сен учун шеъримни ёздим.
Иссиқ меҳрингдан ўт бўлиб ёнган,
Фамга ёт кўнглимдан ишқимни ёздим.

Жонажон партиям, шонли йўлнингдан
Нур эмиб очилди қалбичизда гул,
Тилаклар, орзулар рўёбга чиқиб,
Қанотлар қоқади шодланган кўигил.

Дилимдан айтаман сенга ташаккур,
Эй улуг фахримиз, сен паноҳимиз,
Бахтиёр замонда халқим бўлди ҳур,
Мардона юксалдик, раҳмат доҳиймиз.

Бошлинг халқимни саодат сари,
Фаровон турмушга қадам ташладик,
Ғовларни йўқотдик, босдик илгари,
Янги ҳур ҳаётни қура бошладик,





M. Bosim

ГУЛШАНИМ

Қалбим бахтимниң оиласидир,
Күрамаи унда мен бутун жақонни.
Саодат боғининг булбули бўлиб,
Куйлаймац эрк берган қувноқ замонни.

Машъалдек порлаган шу гулшанимда
Ҳар чечак олдимда гўёки юлдуз.
Пойтахтим — Пекиндир — ҳеч сўнмас қуёш,
Шунингчун ватанда барқ урап кундуз:

Кенг, гўзал манзилга қараб йўл олган,
Зўр қўшин ичида мен ҳам бораман.
Бахт гулларини парвариш қилиб,
Ҳаёт гулшанидан нафас оламан.

1956 йил.





Аэиз Ҳабибулло

БАХТИМИЗСАН ПАРТИЯ


Мен ҳам жафокаш бир ўғил әдим,
Сен қылдинг дардан бутунлай халос.
Тарбия бериб, қўшиб қаторга,
Бахтимга ўзинг яратдинг асос.

Менга ёт энди қайфу-аламлар,
Мангу чекмайман йўқлик дардини.
Кўрмаган жаҳон, кўрмаган ҳеч әл,
Сендеқ меҳрибон, мардлар-мардини.

Чунки, ўзингсан зулм тахтини,
Тамом ағдариб, уриб йиқитган.
Қора тунларнинг ёқасин йиртиб,
Мангуга нурли тонглар оттирган.

Шу тонг қўйнида, ижод-меҳнатда,
Ғалаба-ютуқ кирмоқда қўлга.
Шунга баҳтиёр әл деб аталдик,
Донгимиз кетди порлоқ йўлда.

Сени севинчини, улув партиям,
Ҳамма нарсалан кўраман аъло.
Чунки ҳур баҳтни яратган ўзинг,
Сенсиз ҳур ҳаёт бўлмасди асло



Ядинур Абдуллаева

О НА

Ёдимда, она, киприк қоқмасдан,
Бешик ёнида ўткан тунларинг.
Тонглар сузилиб юлдуз кўчганда,
Бағрингга босиб юрган кунларинг.

Эмиб сутингні, ўсдим, яйрадим,
Бахт боғида бир ғунчадек бўлиб,
Кураш сафида давонлар ошдим,
Қалбим меҳрингга, ишқингга тўлиб.

Кечаги омий, саводсиз қизинг —
Бугун шоира, шеър тўқийди.
Тарих китобин варақлаб ҳар кун,
Жангномалардан дарслар ўқийди.

Шунинг-чун ҳар вақт қалбим — дилимдан,
Сенга айтаман: минг раҳмат, она,
Менинг орзум шу: ҳурлик замонда,
Яша, оламча, улғайгин яна.





Умар Қосимов

У Ч Р А Ш Г А Н Д А

Ишга борардим айни тонг-саҳар,
Бир кўрмоқ истаб севган қизимни,
Ўтмоқчи бўлдим уйи олдидан,
Айтмоқчи бўлиб юрак сиримни.

Чиқиб қолса гар „німа дейман“ деб,
Борардим ҳамон, хаёл сочилиб.
Эшик олдидан ўтиш биланоқ,
Жонон чиқди, гулдай очилиб.

Худди япроқдай қалтироқ босиб,
Мұхаббат ўти урилди юзга.
„Салом, севгилим“ демоқчи эдим,
Бироқ тилим-чи келмади сўзга.

Бир-биримизга қуш боқиши билан
Аста термулиб, сўзсиз қарадик.
Булбул навоси чиққан кўчадан,
Шарпа сездиримай юриб борардим.

1957 йил.





Гулнисо Маҳмудова

МЕНИНГ БАХТИМ

Туғилиб дунёга келгандан бошлаб,
Кўрмадим заррача шодлик-роҳатни,
Силаб пешонамни, деганди онам;
Курашиб қўлга ол бахту омадни.

Эшигинг, бахтиёр дўстларим, бугун,
Сиз каби менинг ҳам севинчим тошиб,
Бахтимдан ўргилай дея кенг йўлдан
Бораман манзилдан-манзилга ошиб.

Келди бугун бахтли, қувноқ ёшлиғим,
Тарихи зўр жанглар кураш-ла тўлган.
Энди ҳар қадамда юксалиш орзум,
Чунки бахт қуёши мен билан кулган.





Рӯзи Қосимов

ЧЕГАРАДАН ХАТ

Кўкда тўлин ой сайд қилмоқда,
Эслатиб менга бир гўзал баҳор.
Мен киприк қоқмай чегарамизда
Кўлда қуролим турадим ҳушёр.

Олдимда турар кенг, яшил водий,
Ширин туйғулар тортмоқда мени.
Севганим эсга тушдинг сен юнда,
Хаёл ойнаси кўрсатди сени.

Шу чоғ ғунчадек зебо қоматинг
Келиб олдимга, кетмайди нари.
Кучайди яна юракда ишқинг,
Софиниб сени ўйлаган сари.

Ҳозир постдаман, сендан йироқда,
Мана шу дамда ўйларим сирдош.
Билсанг вужудим гўёки бир ўт
Ҳижронга яна берурман бардош.

Бардам тураман постимда ҳушёр,
Ватан ва ёрим бўлсин деб омон.
Агар душманлар келса кўз тикиб,
Унинг-чун тайёр ўқим шу замон.

Мардлик белгиси кўксимда турар,
Доҳий сурати солинган медаль.
Ватанга мангу бўлмасам содик,
Онам берган сут бўлмасин ҳалол.

Агар чин дилдақ севгинг бўлса рост,
Ҳалол ишингдан мамнун эт бизни.
Ўз постимизда биз бўлиб ҳушёр,
Доним сақлаймиз Ватанимизни.

Ватан севгиси қўшилиб шунда,
Абадий бўлар бизнинг севгимиз.
Ғам-алам кўрмай ҳурлик замонда,
Тўхтамас тун-кун ўйин-кулгимиз.






Қабир Низз

БИР ШОИРГА

Чиройли сўзлар тизилган билан
Сатрга чуқур маъно беролмас.
Мавҳум хаёллар, қуруқ сафсата,
Шоир ҳикмати — таланти әмас.

Сўзлар жарапглаб, бўлсин оҳангдор,
Қалбнинг косаси севинчга тўлсин.
Муаттар гулни булбул севгандай
Мисралар дилда абадий бўлсин.

1957 йил.





ХАЛҚ ҚЎШИҚЧИЛАРИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Айюб Самсоқ

ЎҚИШ КЕРАК

Гоминданнинг даврида
Оёқ остида қолдик.
Янги ҳукумат келиб,
Илмни қўлга олдик.

Муаллимлар ўқитди,
Билмагани билдириб.
Яхши йўлга бошлади,
Кўнглимиизни кулдириб.

Қулоғимиз эшитмас
Хурофот, диндан сабоқ.
Меҳнат қилмоқ, ўқимоқ —
Ҳамма ишдан яхшироқ.

Ўқиш билан топилар
Ҳамма иш қоидаси.
Жуда ҳам катта бўлур
Бу ўқишининг фойдаси.

Қанчаки ўқисак ҳам —
Биз ўқишдан ҳормаймиз.

Кўнгил қўйиб ўқисак,
Ёмон йўлга бормаймиз.

Неча йиллар муқаддам
Билолмаган „алиф“ ни,
Янги мактабда ўқиб,
Билдик ҳамма ҳарфни.

Биз мактабда ўқиимиз
Хой, ўртоқлар тезроқ бўл!
Ўзин билган одамга
Ўқиши деган яхши йўл.

Яхши билсанг, ўртоқжон,
Мактаб экан жойимиз.
Ўқиб, билим ол дейди,
Маожушимиз— доҳиймиз.

1952 йил, Калпин.

БОШҚАЛАРДАН ҚОЛМАЙМИЗ

Хуррият замон келиб,
Бизга қайтди еримиз.
Уруқни танлаб сочсак,
Зое кетмас теримиз.

Канални яхши чопсак,
Сувлар келар ариққа.
Келган сувни қуямыз
Бүгдой, арпа, тариққа.

Бизда бордиր куч-қувват,
Бошқалардан қолмаймиз.
Хосилни мүл олиш-чун
Меҳнат қилиб толмаймиз,

Бизлар кооперативда
Меҳнат кайфин сурамиз. ◆
Жамиятни янгилаб,
Социализм қурамиз.

Апрель, 1953 йил.

БИРЛАШИБ ИШЛАЙМИЗ

Кооперативда ишласанг,
Хеч ким сени эзмайди.
Меҳнат қиласанг роҳат бор,
Хеч ким ишдан безмайди.

Якка ишлаган деҳқон,
Не ишдан фойда олган.
Унинг қилган фойдасин
Помешчик ёнга солган.

Биз бирлашиб ишласак,
Босолмайди бизни ғам.
Очамиз бўз ерларни,
Қурғоқ ерлар кўтар нам.

Якка ишлаб, тер тўккан
Деҳқонда барака йўқ.
Ҳамкорлашиб ишлаган
Деҳқонларнинг қории тўқ.

Июнь, 1955 йил.

ТУМАН МИНГ ЯША

Халқым күтарди
Энди бошини.
Мао Цзе-дун артди
Кўзлар ёшини.

Доҳиймиз берди
Бизларга таълим.
Ҳеч қолмагандир
Юракда дардим.

Халқим қутулиб
Қора тунлардан.
Баҳра олмоқда
Порлоқ кунлардан.

Халқим хуш бўлиб,
Эркин, шўх бўлиб,
Юксалди, ўсди,
Турмуш тўқ бўлиб.

Бизлар борамиз
Давонлар оша.
Нурли йўл бердинг
Маожуши, яша

Сиз чироқ бизга.
Тугамас салом
Халқимдан Сизга.

Январь, 1956 йил.





Муҳаммад Ноғир

ТУРДИ МАМАТНИНГ АЙТГАНИ

Кооперация ичидан
Турди Мамат айтади:
. Аввал ошга тўймасдим,
Энди ошим етади.

Озодликдан илгари
Парча ерим йўқ эди.
Етти болам бор эди,
Парча нонга зор эди.

Бахтимизга яраша,
Гунсандонг етиб келди.
Ери йўқ деҳқонларни
Бахтиёр этиб келди.

Якка буғдой эксам мен,
Эллик чорак бўлибди.
Кооперацияга қўшилсам
Тўққиз қопим тўлибди.

Гоминданнинг вақтида
Қилар эдик нолалар.
Партиямиз даврида
Ошга тўйди болалар.

Кооперация ишига.
Жонни фидо қиласан.
Елкамдаги ишимни
Тезда адо қиласан.

Кооперация йўлида,
Ишлаш керак пўлатдек.
Ош ўзингпнинг қўлинигда,
Қандай есанг иоввотдек.

Якка дехқоннинг иши
Бир қаровсиз ҳовлидек.
Якка дехқон турмуши
Бўш тўқилган човлидек.

Коллектив меҳнат билан.
Хуш ўтади вақтимиз,
Кооперация билан бирга
Яна гуллар баҳтимиз"...

1956 йил.

КАДР БҮЛСАНГ...

Кадр бўлсанг тузук бўл,
Ҳамма ишда пишиқ бўл,
Ҳалқим мисли сув бўлса,
Сен ундаги балиқ бўл.

Ўйлаб айтсанг сўзингни,
Омма бўлар яқинроқ,
Катта тутсанг ўзингни
Қочар сендан нарироқ.

Мағурланиб, илмингга
Маҳмадона бўлмагин,
Вазифангни унутиб,
Кибр билан тўлмагин.

Ўйлаб, яхши тушунсанг,
Омма хизматкорисан.
Жон куйдирсанг ҳалқингга
Зўр ҳурматнинг ёрисан.

Кадр бўлсанг, тузук бўл,
Совуқ бўлма, пишиқ бўл,
Ҳалқимиз мисли бир сув,
Сен ундаги балиқ бўл.

1956 йил.





Мулла Тұрдү

ҚУШИҚЛАР

На хуш давлат, саодатдир,
Адолат биз томон келди.
Фақырларнинг силаб бошин,
Ажойиб бир жаҳон келди,

Қилинди бизга ғамхұрлик,
Бу ўлка бўлди гулзорлик,
Кенгайди, қолмади торлик,
Ажаб озод замон келди,

Халқни айлаган сарсон,
Қароқчи, ўғри гоминдан,
Бўлиб илдизлари гумрон
Элга тинчлик, омон келди.

Маожуши ғамгузор бўлди,
Қароқчи тор-мор бўлди,
Хушомадгўй хори зор бўлди,
Элга оби равон келди.

Севимли халқпарварлар,
Халқ ғамхұри раҳбәрлар,
Қизил гул, ғунча сабзалар,
Гулистонларга жон келди.

Фарогат қўйинда бизлар,
Қари ёшу, ўғил-қизлар.
Эзилганинг дилин излар
Вафоли хуш замон келди.

Помешчик, зулмкор, жосус,
Қани энди еганин қус,
Сени тутмас халқлар дўст,
Сенга умри хазон келди.

Келинг дўстлар бўлиб саф-саф,
Кўнгилларни равшан айлаб,
Курашнинг созини куйлаб,—
Чалинг деган сурон келди.

Доҳий Маожуши бизларга,
Янги нур берди кўзларга.
Биз учамиз юлдузларга,
Чунки әркин замон келди.

* * *

Камбағаллар ўтмишда
Дард остида эзилди.
Тортиб ўтган ҳасратлар
Юрак бағримиз тилди.

Золимларнинг вақтида,
Етолмадик чопонгá.
Оғир солиб солиқни,
Осиб, урди товонга.

Ҳашар солиб тоғларга,
Ўтин солиб боғларга,
Қарши чиққан одамни
Босди қайноқ ёғларга.

Урумчининг йўлида
Камбағаллар ланг ортган
Эшак ва от тополмай,
Ўзи арава тортган
Пора бериб Шанъюга
Помешчик уйда ётган.

Урумчининг йўлида,
Қонли қамчи қўлида,
Амалдсрлар бой бўлган,
Камбағалнинг пулида.

Золим Шанъжанг, бужанглар
Танга олди қўноққа.
Эрта берай, йўқ" деса—
Тутиб берди қамоққа.

Помешчик ҳам бек, мироб,
Ейиши қўзи кабоб,
Айшу ишрат қиласди,
Чалдириб қолун, рубоб.

Камбағални боғлатиб,
Жон-жигарни догоғлатиб,
Зўрлик билан қўрқитиб,
Талади, қон йиғлатиб.

Муштумэўрда тўрт хотин,
Томида қуруқ ўтин,
Камбағалнинг мулкини
Еди золимлар бутун.

Муштумэўр помешчиклар
Пулни қилди жазона.
Деҳқонларнинг ҳақини
Қилас ёнга равона.

Ҳотинини хон деган,
Ётиб олиб нон еган,
Думба ёғи тўйларда,
Олдида сонсиз лаган.

Ҳашар, кўмак, ёрдам^н, деб
Кунда алвон говфаси.
Эшиклардан кетмасди
Дайди итдек доргаси.

* * *

Озод бўлиб ўлкамиз,
Кийдик янги чопонни.
Қоп-қопларда ун тортиб,
Яйраб едик оқ нонни.

Меҳнат — деди партия,
Канал қазди армия,
Босамиз олға доим,
Доҳийга „Олқиш“ — дея.





Темирохун

ҚУШИҚЛАР

Янги замон қурилди,
Эски замон ўрнига.
Бизни өзган золимлар,
Кетди дўзах тўрига.

Помешчик — заминдорлар,
Эзган эди бизларни.
Эшиитмасди гоминдан
Муддао, арзимизни.

Заминдорлар ҳаржларди
Олтин билан ёмбуни.
Биз факирлар оч қолиб
Ичар эдик лой сувни.

Бекларнинг хотинлари
Кияр кимхоб чопонни.
Бизлар бўлсак яланғоч,
Тортардик кўп жафони.

Золимларнинг қизлари
Кийишди савсар телпак.
Камбағаллар бошида
Синарди ҳар кун калтак.

Гоминдан деган золим
Солиқни оғир қўйган.
Зулмга чидолмасдан
Камбагал жондан тўйган.

Ситамкор помешчиклар
Берди ерни ижарага.
Деҳқон ишлар эрта-кеч
Уволдир бечорага.

Қарз-ижара дастидан
Вайрон бўлди хонамиз.
Очликка чидай олмай
Ўлиб кетди онамиз.

Қариларни аямай,
Бошин осди теракка.
Зулмнинг ваҳшатидан
Қонлар тўлди юракка.

Жафони тортавериб,
Сабр косаси тўлди.
Озодликка телмуриб,
Кўзимиэда нур сўнди.

Бизга оталик қилди,
Маожуши, Компартия.
Озод қилди бизларни
Халқ ўстирган армия.

Озодликни олқишлиб,
Қарши олди халойиқ,
Тақдим қилдим шу байтни,
Агар кўрсангиз лойиқ.

* * *

Дарди бору, дарди бор
Камбағалнинг дарди бор.
Дардни тортган дармонлар,
Энди топди эътибор.

Камбағал бўлди озод,
Золимлар бўлди ҳароб.
Ҳалол меҳнатимиз-ла
Ўлкани қилдик сероб.

Золимлар топди завол,
Яшнаб кетди қишлоқлар.
Бойлик әгаси ҳалқдири,
Эркин яшанг, ўртоқлар.

Маожушининг даврида
Бўлди одил ҳукумат.
Кетди энди бошлардан
Fam, азобу уқубат.

Мао Цзе-дун даврида
Яйраб уради юрак.
Шоду хуррам яшашдир
Бизнинг асосий тилак.

Гунсангдоннинг даврида
Очилик қизил гулдек.
Мао Цзе-дунга раҳмат деб,
Сайраб кетдик булбулдек.

1957 йил.





Юсуфохун

Қ У Ш И Қ Л А Р

Эзган әдинг, гоминдан,
Халқ танидан ичиб қон.
Бугун сени қилдик биз
Қора ер билан яксон.

Гоминданга таянган
Золим бойлар ўтмишда.
Сандиғини тұлдирған
Олтін билан кумушга.

Асл-асл беқасам
Помешчикнинг чопони.
Помешик ёғ чайнаса,
Оч гезарған дәққони.

Сон-сон қилиб, парчалаб,
Помешчиклар гүшт ерди.
Камбағал нон ўрнига,
Калтак билан мушт ерди.

Бугун бизлар ағдардик
Помешчикнинг тахтими.
Компартия яшнатди
Камбағалнинг баҳтини.

Ўи тўрт кўнлик ой каби
Бу ўлкамиз сузилди.
Золимлар бизни бўғгац,
Занжирлари узилди.

Янги ерларни очдик
Қолмас ернинг қўриги.
Илдизидан қурисин
Гоминданнинг уруги.

Осмонда чўлпон юлдуз,
Ҳаммадан порлоқ нури.
Компартия мураббим —
Халқимизнинг ғуури.





Хўжа Аҳмад Имин

Қ У Ш И Қ Л А Р

Помешчикка ишладик,
Кўп оғир ижарага.
Жуда ҳам увол бўлди
Камбағал бечорага.

Камбағаллар ҳар куни,
Тўқайдаги ботқоқда.
Золим бойлар ухлайди
Беланчак — аргимчоқда.

Камбағаллар сув очса,
Эртан оч деб қўймаган.
Камбағални талаб еб,
Очкўз мироб тўймаган.

Ижарага ер олиб
Помешчикка ишладик.
Уйга кирсак бир нон йўқ,
Лабимизни тишладик.

Камбағалнинг уйида
Етмиш ямоқ бир кўрпа.
Золим бойлар ўтирас
Момик устида, тўрда.

Гоминданнинг даврида
Бозорларда ғалла йўқ.
Чидомай зорланганнинг
Миясига тегди ўқ.

Мао Цзе-дуннинг даврида,
Биз кутулдик зулмдан.
Биз қутулдик умрбод
Очлик билан ўлимдан.

Бахтимизга етишди
Камбағаллар замони.
Орамиздан йўқолди
Одамларнинг ёмони.

Тонг пайтида кун чиқса,
Жаҳонда бўлур шодлик.
Мао Цзе-дун даврида
Бизга бўлди озодлик.

Гоминданнинг илдизин
Таг-тагидан юламиз.
Бу озодлик даврда
Шодланишиб куламиз.

1952 йил.





Олимхун

Қ Ұ Ш И Қ

Гоминданнинг даврида
Қорин тўймасди ошга,
Биз ҳашарга бормасак,
Таёқ тегарди бошга.

Оёққа кияй десак,
Этикнинг чарми тешик.
Боққан қўйни бой олди,
Бизга қолди ит, мушук.

Гунсандонг етиб келиб,
Ўлкамиз озод бўлди.
Мао Цзе-дуннинг даврида
Бизнинг кўнглиминг тўлди.

Ҳосилимиз мўл бўлиб,
Омборга тўлиб тошди.
Социализм йўлида
Халқимиз олға босди,

1954 йил.





Шеривониҳон

ГУЛ БҮЛДИК

Гоминдаң замонида
Куйиб ўчган кул бўлдик.
Компартия келганда,
Шўх очилган гул бўлдик.

Кулфатдан қутуолмай,
Умримиз ўтиб кетган.
Қанча-қанча умрлар
Йиғлаб ҳон ютиб кетган.

Коммунистик партия
Қурди янги жаҳонни.
Мао Цзе-дун, доно отам,
Бошлаб ишчи-деҳқонни;
Биз йўқсул фақирларни,
Золимлардан қутқазди.
Ҳақ ва ҳуқуқимизни
Кўлимизга тутқазди.

Улуг доҳий Маожуши
Юз йил олдин келсайди.

Эссиз, эссиз оталар
Энди ҳозир бўлсайди.

Ўтди қора тун — кулфат
Ҳозирги кун ҳақиқат.
Меҳнаткашларнинг бахти
Гунсандонга минг раҳмат.

1953 йил,





Исмоил Каккук

КАККУК БҮЛИБ САЙРАДИМ

Кун чиқишдан кун чиқди,
Кунга кулиб қарадим,
Партияниң даврида
Каккук бўлиб сайрадим,

Ўтмишда фақир эдик,
Оёқда катта чориқ.
Ўзимиз буғдой экиб,
Юрардик очу, ориқ.

Тер тўкиб топган нонни
Беминнат еялмасдик.
Бойларга тинмай ишлаб,
„Ҳақ беринг“ деялмасдик.

Ернинг тагида кўмир,
Хорланган бизнинг умр,
Бошимизда ўйнарди,
Сим қамчи билан темир.

Юр деганда юрган биз,
Тур деганда турган биз.
Золимларнинг олдида
Кўрмаганни кўрган биз.

Бизни әзган золимнинг
Йўқдир вижданни, ори.
Текинхўрларга ишлаб,
Кетди танинг мадори.

Маожуши отам келиб,
Озод бўлдик, яшадик.
Хурсанд бўлиб дехқонлар,
Нагма-наво бошладик.

Буғдој ўрдик далада,
Ишчи берган ўроқда.
Ҳосил тўйинни қилдик
Олтии куз келган чогда.

Энди бизнинг қишлоқда
Янги ҳаёт бошланди.
Эскиликка ўт қўйдик,
Кули совриб ташланди.

1955 йил, октябрь.



ЛУГАТ

Ажун — дунё, олам, ер юзи. Бу сўз қадимги уйғур тилидан сақланиб қолган. Ҳозир жуда кам ишлатилади.

Аньшан — ХХР металлургия саноатининг марказла-ридан.

Аҳмадэсон — Синьцзянда ҳалқ озодлик ҳаракатининг етакчиси. Аҳмаджон Қосимов 1949 йил октябрь ойида ҳалок бўлди.

Бужсанг — (хитойча сўз). Маҳалла оқсоқоли

Гунсандонг — (хитойча сўз) Хитой Коммунистлар партияси.

Демсолом — Демократик ёшлар союзи (Хитойдаги ёшлар ташкилотининг номи).

Дорға — Гоминдан полициясининг маҳалладаги вакили. (Мўгулча сўз).

Жазона — Судхўрларнинг камбағалларга процент ҳисобида берадиган ижара пули (форсча сўз).

Жингайсан — Хитойда тоғ номи.

Жунгхва — „Жунгхва рин минг гўухва Гоу“. (Хитой ҳалқ республикаси сўз бирикмасининг қисқартириб айтилиши). (Хитойча сўз).

Или — Синьцзяндаги Или вилоятидан Қозоғистон ССРнинг жануби шарқий районига оқиб чиқадиган

дарё. Бугур, Кучор, Шоҳёр, Бой-Синъцзян — уйгур автоном районидаги йирик шаҳарлар.
Кузатчи — қоровул, кузатувчи.

Ланг — солиқ учун олинган дон. (Хитойча сўз).
Людован — Синъцзян — уйғур автоном районининг пойтахти, Урумчи шаҳридан тўрт километр шарқ то-мондаги катта кўмир ҳавзаси.

Мао — Мао Цзе-миннинг қисқартирилган ва эркалатилган номи.

Маожуши ёки Мавжуси — ўртоқ Мао Цзе-дуннинг Хитойда эркалатиб айтиладиган исми. Маожуши — Мао ранс, демакдир.

Мао Цзе-Мин — ўртоқ Мао Цзе-дуннинг укаси. Синъцзянда озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири. Гоминданчилар 1942 йили уни ўртоқ Цин Тянь-чу билан бирга тириклий ерга кўмиб ўлдириллар.

Манас — Или вилоятининг шарқи-жашубидан бошланадиган дарё.

Мань-чин — XIX аср охири ва XX аср бошида ҳукмронлик қилган манжур сулоласи.

Матон — Оқсув вилоятидаги чангальзор жойининг номи.

Маҳмуд — Маҳмуд ибн Ҳусайн-ал-Қошғарий, XI асрда яшаган машҳур филолог олим, „Дивони луғат-ат — турк“нинг автори.

Нилқа — Или вилоятини тоғли район.

Нозик — 828 йили Синъцзянда кўтарилилган ҳалқ қўзғолонида қаҳрамонлик кўрсатган шоира. У бошқа аёллар билан асир олиниб, манжур феодаллари уни мўғул феодалларига сотган эди. У асириликдан бир неча марта қочган бўлса ҳам, яна мўғул феодаллари уни тутиб олдилар ва 1830 йили манжур феодал ҳокимияти томонидан Гулжа шаҳрида чопиб ўлдирилди.

Олbon — деҳқонлардан олинадиган солиқ. Бу солиқ 1949 йилдаги Буюк Хитой ҳалқ революциясининг ғалабасигача деҳқонлардан олинарди. *Олbon* — мўғулча „солиқ“ демакдир.

Пола — штраф.

Сайд Аҳмад — 1943-1948 йилларда Кучор районни ва
Оқсув вилоятидаги реакцион гоминдан ҳукуматининг
вакили эди.

Содир — уйғур халқ қўшиқчиси, Содир Полвон (1799—
1872).

Сонг — буғдой сақланадиган омбор (хитойча сўз).

Торит — Синъцзян — уйғур автоном районидаги катта
дарёлардан бири.

Тулум — чарм қоп, меш.

Тўлакчи — сўйилган мол ҳомиладор бўлса, ичидан бо-
ласини тортиб олувчи қассоб.

Тянь-ань-мин — Пекинидаги қизил майдон.

Фушун — ХХР да катта шаҳар. Бу ер кўмири саноати-
нинг йирик марказларидаи бири.

Ҳайнан — ХХР нинг жанубий қисмидаги катта орол.

Бу оролда катта кўмири ҳавзалари бор.

Хонтангри — Тянь-шань тогидаги энг баланд чўққилар-
дан бири.

Чўл қудуқ — Оқсув вилоятидаги чўлнинг номи. Бу
ерда шу номда қишлоқ ҳам бор.

Шангхадан — Хитой ипакларининг бир хили. (Хи-
тойча).

Шанъжонг — уезд бошлиғи (хитойча сўз).

Шанью — қишлоқ оқсоқоли (хитойча сўз).

Шинжон — Синъцзян (уйғурча ва хитойча шундай
талаффуз қилинади).

Шинь-Ши-Цай — 1933-1943 йилларда Синъцзяннинг
генерал-губернатори, ўта кетган икки юзламачи ре-
акционер.

Шиханза — Хитойдаги пахтачилик районларидан бири.
Биринчи давлат хўжалиги ўша ерда ташкил қи-
линди.

Цин Тянь-чу — 1942 йили Хитой Компартияси марка-
зий комитетининг топшириғига мувофиқ Синъцзян-
да Компартия ташкилотини тузган арбоблардан бири.

Ялуцзян — ХХР билан КХДР ўртасидаси чегарада
оқадиган дарё.

Янъан — 1937 йилдан бошлаб халқ озодлик армияси штабининг маркази бўлган шаҳар.

Ўйтўғроқ — Хўтан вилоятига қарашлай Керия районидаги мевазор боғлар жойлашгани ерининг номи.

Қолун. — Уйғур чолғу асбобларидан бири.
«Кўтодғу билик» — XI аср Болосоғуили Юсуф Ҳос Ҳожиб тарафидан Қашқарда ёзилган дидактик дoston.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
<i>Лутфулло Муталлиб.</i>	
Биз Синъцзян ўғил-қизлари	11
Йилларга жавоб	13
Таассуротим	15
Қизил гулга буркангунча ер-жаҳон	16
Фарёд	17
<i>Билол Азизий.</i>	
Мурод бўлганда	18
<i>Таипжон Илиев.</i>	
Кут мени	19
Йигит орзуси	21
Кўмир ҳақида икки шеър	22
<i>Алқам Аҳдам.</i>	
Компартияга	23
Денгиз бўйида бир кечада	31
Тонг	32
Тонг отди.	33
<i>Турғун Олмос.</i>	
Партияга салом.	38
Қашқар	40
Ватан	42
Умидли хаёл	44
<i>Абдулҳай Рӯзий.</i>	
Бизга	46
<i>Муҳаммадсийик Новрӯзов.</i>	
Қуёш ва биз	47
Кўринди	48

Баҳор	50
Кураш севгиси	51
Ним Шаҳид.	
Унугма	53
Мухаммас	57
Жиноятдан шикоят	60
Олдида	63
Мұхаббат ифодаси	66
Рахбар хотирасига	68
Билим ҳақида	70
Турді Сомсоқ.	
Юрак	72
Дүстлик ташаккури	73
Гул	76
Аршиддин Тотлиқ.	
Ғолиб тонг	77
Оқсув дарёси	78
Рахим Қосимов.	
Совет халқига	80
Орзу	85
Қызыл гул	86
Совуқ ва мен	87
Довуд Турахмедов.	
Парчалар	88
Тонг отди	89
Рұмол	90
Султон Маҳмуд.	
Пекин илхомлари	91
Кетма ённингдан	93
Умар Имин.	
Жангчининг хати	95
Торим	96
Ғанизот Ғаюроний.	
Үқи иним	98
Абдусалом Тұхтий.	
Темир йўл қаҳрамонларига	100
Қамар Қурбонова.	
Октябрь мұхаббати	102
Гўзалсан Иссиқ Кўл	103
Жанаарға	104

<i>Азиз Ниёзи.</i>	
Нима дейман ёримнӣ	105
<i>Тўлқин.</i>	
Тянь-шанъ	106
Кўзларинг	109
Дастлабки кечा	110
<i>Ҳабибулло Юнус.</i>	
Парчалар	111
Доҳий ҳайкалига	112
<i>Аҳад Шокирий.</i>	
Теримчи қиз	114
<i>Аҳмад Эгамберди.</i>	
Гулчи қиз	116
<i>Ҳаким Мусо.</i>	
Уялганинг нимаси?	118
<i>Ҳанифа Солихова.</i>	
Бир қиз	122
 <i>Ёш шоирлар ижоди,</i>	
<i>Ҳажкар Қодирова.</i>	
Куламан	124
<i>М. Нурий.</i>	
Бахтим очилди	125
<i>Ёсин Темиров.</i>	
Или дарёси	127
<i>Ойшам Қодирова.</i>	
Эсимда	130
<i>Ризвонгул Исмонлова.</i>	
Қайноқ дилимдан	132
<i>М. Босит.</i>	
Гулшаним	133
<i>Азиз Ҳабибулло.</i>	
Бахтимизсан партия	134
<i>Ядинур Абдуллаева.</i>	
Она	135
<i>Умар Қосимов.</i>	
Учрашгандা	136
<i>Гулнисо Маҳмудова.</i>	

<i>Менинг баҳтим</i>	137
<i>Рӯзи Қосимов.</i>	
Чегарадан ҳат	138
<i>Кабир Ниёз.</i>	
Бир шоирга	140
Ҳалқ қўшиқчилари ижодидан намуналар	
<i>Айюб Самсоқ.</i>	
Ўқиши керак	141
Бошқалардан қолмаймиз	143
Бирлашиб ишлаймиз	144
Туман минг яша	145
<i>Муҳаммад Ноғир.</i>	
Турди Маматнинг айтгани	147
Кадр бўлсанг	149
<i>Мулла Турди.</i>	
Қўшиқлар	150
<i>Темироҳун.</i>	
Қўшиқлар	154
<i>Юсуфоҳун.</i>	
Қўшиқлар	157
<i>Хўёса Аҳмад Имин.</i>	
Қўшиқлар	159
<i>Олиммоҳун.</i>	
Қўшиқ	161
<i>Шериваниҳон.</i>	
Гул бўлдик	162
<i>Исломил Каккук.</i>	
Каккук бўлиб сайрадим	164
Лугат	166

БИБЛИОТЕКА НГПИ

Ин

13532

